

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ ВА ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ

Абдуллаева Мадина Абдилбори қизи

МАВЗУ

**Ҳ.МУБОРАК РЕЖИМИ ҚУЛАГАНИДАН СЎНГ
МАРНИНГ СИЁСИЙ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ
МУАММОЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5120700 – ЖАҲОН СИЁСАТИ

Илмий раҳбар: с.ф.н., доц. Мухаммадсиддиқов М.М.

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. СИЁСІЙ РЕЖИМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Сиёсий режим тушунчаси ва хусусиятлари.....	9
1.2. Сиёсий режимлар трансформацияси тушунчаси ва босқичлари.....	15
2-БОБ. ШИМОЛИЙ АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ СИЁСІЙ РЕЖИМЛАРИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	23
2.1. “Араб баҳори” нинг Шимолий Африка давлатлари ижтимоий - сиёсий жараёнларига таъсири.....	23
2.2. МАР сиёсий режими трансформациясини келтириб чиқарган сабаблар ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....	30
3-БОБ. ЗАМОНАВИЙ МАР СИЁСІЙ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ.....	39
3.1. МАРнинг сиёсий истиқболини белгилаш жараёнига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар.....	39
3.2. Замонавий босқичда МАР ички ва ташқи сиёсий йўналишларни белгилашнинг асосий тенденция ва истиқболлари.....	48
ХУЛОСА.....	55
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	59
ИЛОВА.....	67

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий жаҳон сиёсатида Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада юзага келган вазият, шунингдек, уни бевосита белгиловчи омилар ҳақидаги мунозаралар энг долзарб мавзулардан ҳисобланади. Сўнгги йилларда Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги оммавий қўзғалишлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий вазиятга маълум даражада салбий таъсир этиб, айна пайтда тадқиқ этаётган минтақадаги етакчи давлатлардан ҳисобланган Миср Араб Республикасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиланишлар даври келгани ва минтақанинг етакчи давлатида янги сиёсий давр бошланганидан далолат беради.

Сўнгги йилларда Араб Шарқида юз бераётган сиёсий режимлар трансформацияси жараёни бу жараёнларни келтириб чиқарган асосий ва иккиламчи сабаблар, уларнинг ривожланиш динамикаси, бугунги кундаги ҳолати, доимий ва ўзгарувчан хусусиятларини ўрганиш ва шу орқали келажак истиқболлари ҳақида тасаввурларга эга бўлиш ва тўғри хулосалар беришни талаб этади. Араб дунёси демократлашув жараёнлари кучли ички ва ташқи ларзалар, сиёсий тузумлар қулаши ва сиёсий ноаниқлик ҳолатини вужудга келтирди. Сўнгги йилларда “Араб баҳори”ни бошидан кечирган республикаларда ҳокимиятлар қайта алмашиши ва бу жараёнларда ҳам ташқи ҳам ички беқарорликни сақлаб қолиниши нафақат Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаси балки унга ёндош минтақалар сиёсий келажаги учун ҳам янги чақирувларни вужудга келтирмоқда. МАР сиёсий режим трансформацияси ва унинг сиёсий истиқболини белгилаш муаммоларини тадқиқ этиш, бу давлатнинг минтақада тутган ўрни ва халқаро муносабатларда ошиб борётган роли билан изоҳланади. Ўн йилликлар давомида МАР араб дунёсининг сиёсий, маданий, ижтимоий-иқтисодий ривожини маркази бўлган. Давлатнинг сиёсий режими инқирози Ҳ.Муборак

даврига тўғри келди, бунинг асосий сабаби авторитар турғунлик билан боғлиқдир. Халқаро муносабатлар тизимида муҳим геостратегик ўрин эгаллайдиган Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминланиши жаҳон миқёсида ҳам тинчликнинг мустақамланишига олиб келади.

Сўнгги сиёсий жараёнлардан кузатиш мумкинки, МАР асосий халқаро акторлар томонидан минтақага таъсир этишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Бу давлатнинг сиёсий тизими барқарорлиги халқаро муносабатларда асосий факторлардан бири ҳисобланади. Ҳ.Муборак режими кулагандан сўнг юз берган жараёнларни таҳлил қилиш орқали беқарорлик сабабларини аниқлаш ва сиёсий тизимнинг келажак истиқболини башорат қилиш мумкин.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ишнинг эмпирик базасини Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақалари мамалакатлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши, Ғарб мамлакатларининг ушбу минтақада олиб бораётган сиёсатининг асосий йўналишлари, минтақада хавфсизликни таъминлаш, минтақада демократик институтларнинг ривожи ва тараққиёти масалалари, шунингдек, сиёсий режимлар ва сиёсий режимлар трансформациясини тадқиқ этган ғарб мактаби вакиллари Г.Алмонд, Д.Истон, Т.Парсонс, С.Хантингтон, Р.Даль, Д.Ростоу, Ф.Шмиттер, З.Бжезинский, Г.О'Доннел, В.Гелман, И.Колеман асарлари ташкил этади¹.

Мавзуни тадқиқ этган рус мактаби вакиллари К.С.Ғаждиев, Р.В.Савенкова, М.М.Лебедева, П.А.Цыганков, В.О.Лучин, А.А.Игнатенко, Т.В.Шмачкова, Ф.Бенетон, Д.М.Шумков, М.Г.Тирских, Е.В.Першина, И.В.Побережников,

¹ Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века / Пер. с англ. — М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2003. 368 с.; Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся общностях. М.: Прогресс-Традиция, 2004 - 480 с.; Даль Р. О демократии / Р. Даль. М.: Аспект Пресс, 2000. - 208 с.; Алмонд Г. и др. Сравнительная политология сегодня. Мировой обзор. М., 2002.; Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Далтон Р. Сравнительная политология сегодня: Мировой обзор: Учебное пособие / Сокр.пер. с англ. А.С. Богдановского, Л.А. Галкиной; под ред. М.В. Ильина, А.Ю. Мельвиля. М.: Аспект Пресс, 2002. - 537 с.; Gel'man V. Out of the Frying Pan, Into the Fire? Post-Soviet Regime Changes in Comparative Perspective // International Political Science Review. 2008. Vol.29. №2. P. 157-180; Brzezinski Z. The Great Transformation / Z. Brzezinski // The National Interest. 1993. -№ 33. - P. 2-11.;

О.Г.Харитонов, А.Ю.Мельвиль, Д.А.Егоренков, Л.М.Исаев, Е.Сатановский, Л.И.Каск, А.И.Косарев, А.Демченко, А.Пшеворский, В.А.Исаев асарларидан¹ битирув малакавий ишини ёзишда кенг фойдаланилган.

Муаллиф мавзуни ўрганиш бўйича бир қатор Ўзбекистонлик ва Марказий Осиёлик шарқшунослар, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари сиёсий тузумлари, улардаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий вазият, МАР сиёсий тизимини тадқиқ этган олимлар Н.Иброхимов, А.Хасанов, З.Мунавваров, Ш.А.Ёвқочев, С.Иноғомов, Ш.М.Махмудбеков, Н.Т.Ҳолмўминов, М.М.Муҳаммадсидиқов, Н.Абдуллаев, К.Шаниязов, С.Ғофуров, А.А.Идрисов, А.А.Абдувоҳидов, Д.Мадаминава, А.Абдисаттаровлар асарларидан фойдаланган².

¹ Пшеворский Л. Демократия и рынок. Политические и экономические реформы в Восточной Европе и Латинской Америке. М., 2000; Мельвиль А. Опыт теоретико-методологического синтеза структурного и процедурного подходов к демократическим транзитам. // Полис: Политические исследования. 2003. - №2. - С. 6-37; Бенетон Ф. Введение в политическую науку / Ф. Бенетон. М. : Весь Мир, 2002.-368 с.; Побережников И.В. Модернизация: теоретико-методологические подходы / И.В. Побережников // Экономическая история. Обзор // под ред. Л.И. Бородкина. Вып. 8.-М., 2002.-С. 146-168.; Харитонов О.Г. Генезис демократии (попытка реконструкции логики транзитологических моделей) / О.Г. Харитонов // Полис. 1996. — № 5. — С. 70-78.; Мельвиль А.Ю. «Политический атлас современности»: замысел и общие теоретико-методологические контуры проекта // Полис. 2006. №5.

² ал-Бухари М., Гафуров С. Арабская Республика Египет. Учебное пособие. (под ред. акад. Н.Ибрагимов). — Т.: ТашГИВ, 2002. — 110 с.; ас-Сайид Салим М., Арафат И., Ибрагимов Н., Иноғомов С. Ўзбекистон: государство и его лидер (перевод на рус.яз. Международного фонда Имама ал-Бухари). — Т., 1999. — 374 с.; Ёвқочев Ш.А. Исламский фактор в политической системе современного Египта. — Т.: Ташкентский исламский университет, 2008; Миср Араб Республикасида: давлат ва диний институтлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қуриш академияси. -Тошкент.: 2007. 36 б., "Братья-мусульмане" и процессы "демократизации на Ближнем Востоке"// Журнал Shygy (Vostok-Orient), № 1-2. - Алматы (Казахстан), 2007. — С.102-114. Мусулмон оламида сиёсий тизимларнинг шаклланиши.//Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2007. — № 3. — Б.94-95 б. Махмудбеков Ш.М. Рабочий класс Египта. 50-70-е годы. - Ташк. гос. ин-т востоковедения. - М.: Наука: «Восточная литература», 1993. — 149 с. Мунавваров З.И., Хасанов А. Ислам: Ханафийлик ва ваҳбийлик. — Тошкент: Мовароуннахр, 1998; Мунавваров З.И. Страны Аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях 20 века: автореф. дисс. ... док. полит. наук. — Т., 1997. Абдуллаев Н.А. Региональная политика Сирийской Арабской Республики в свете ближневосточного урегулирования. Автореф. дисс. ...канд. полит. наук. — Т.: ТашГИВ, 2000.; Мухаммадсидиқов М.М. Саудия Арабистонининг Қизил денгиз минтақасида хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ҳусусиятлари. С.ф.н. олиш учун диссер.автореферати. - Т.: ТошДШИ, 2005.; Замонавий халқаро муносабатларда Африка давлатлари: сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар. —Т.: Тошкент Ислам университети., 2013.-268 б.; Хорижий шарқ ва ғарб мамлакатларида ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихи: Ўқув қўлланма., - Т.: ТошДШИ., 2011.- 172 б.; Замонавий халқаро муносабатларида минтақавий жиҳатлар., ТошДШИ., 2013.-172 б.; Қиёсий сиёсий тизимлар: Ўқув қўлланма 1, 2 қисмлар. - Т.: ТошДШИ, 2013.-180 б. Таха Фарғали Абдел Ҳаким. Процессы становления и развития современных египетско-узбекских отношений. Автореф. дисс. ...канд. полит. наук. — Т.: ТашГИВ, 2002.; Шаниязов К.К. Палестинская проблема в ближневосточной политике США. Автореф.дисс. ...канд.полит.наук. — Т.: ТошДШИ, 2005. —28 с.; Абдисаттаров А.А. Форс кўрфази араб давлатлари ташки сиёсатида “ислом омили”нинг сиёсий таҳлили. С.ф.н. олиш учун диссер.автореферати. -Т.: ТошДШИ, 2005. —27 б.;

Ишни ёзиш жараёнида иккинчи даражали манбаалар(нутқлар, интервьюлар, илмий нашрлар, даврий матбуот материаллари, интернет)дан кенг фойдаланилган.

Ишда МАРнинг амалдаги ва олдинги Конституциялари, бир қатор қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, хорижий тадқиқот ташкилотлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров ва тадқиқот маълумотларидан ишнинг норматив асоси сифатида фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади- МАРнинг Ҳ.Муборак режими қулагандан сўнг сиёсий истиқболини белгилаш муаммоларини тадқиқ этиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Қўйилган мақсад асосида қуйидаги вазифаларни белгилаш мумкин:

- сиёсий режимлар, сиёсий режимлар трансформацияси таҳлилининг назарий-концептуал асосларини ўрганиш;
- Шимолий Африка давлатлари сиёсий тузумлари ўзига хос жиҳатларини ўрганиш орқали, МАР сиёсий тузumi трансформациясини келтириб чиқарган сабаблар ва оқибатларни аниқлаш;
- МАР сиёсий истиқболини белгилаш жараёнида таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, субъектларни аниқлаш, муаммоли вазиятларни очиқ бериш;
- МАР истиқболдаги ички ва ташқи сиёсий йўналишларини аниқлаш.

Битирув малакавий иши объекти ва предмети. Ишнинг объекти- МАРнинг Ҳ.Муборак режими қулаганидан сўнг ўз сиёсий истиқболини белгилаш муаммолари, ишнинг предмети-МАР сиёсий режими трансформацияси шароитида ўз сиёсий истиқболини белгилаш муаммолари моҳияти, мазмуни, алоҳида хусусиятлари, асосий тенденция ва истиқболлари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг назарий-методологик асослари. Битирув малакавий ишини тайёрлашда, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг давлатимиз тараққиётининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва тамоиллари, минтақавий ва глобал хавфсизлик масалалари кенг ёритиб берилган асарларига ва халқаро ташкилотлар доирасида Ўзбекистон позициясидан сўзлаган нутқларига таянилди¹.

Муаллифнинг тадқиқот қизиқишлари сиёсий режим трансформацияси фонида давлат сиёсий истикболини белгилаш муаммоларини ўрганишга қаратилганлигини инобатга олиб, ишнинг методологик асосида кузатув, тасвирлаш, қиёслаш тадқиқот методларидан фойдаланилган. Шунингдек, ишда илмий билишнинг умуммантиқий методлари-таҳлил, синтез, индукция, дедукция, аналогия, классификациядан фойдаланилган. Ишда муаммоли вазият ривожини белгилаш мақсадида тарихий, тизимли ва мантиқий ёндошув қўлланилган.

МАР сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, бир сиёсий режимдан иккинчисига ўтиш жараёнлари, Ҳ.Муборак режимидан кейинги МАР сиёсий ҳолати ва асосий тенденцияларнинг очиқ берилганлиги ишнинг илмий янгилигини кўрсатади. Шунингдек, бугунда МАР кечаётган беқарорликларни тизимли ўрганиш орқали давлат сиёсий истикболи масаласи юзасидан таклифлар берилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.:Ўзбекистон, 1997, –326 б.; Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.:Ўзбекистон, 2005. –144 б.; Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлиштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.15. –Т.:Ўзбекистон, 2005. –320 б.; Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.11 –Т.:Ўзбекистон, 2003. –320 б.; Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омили. Президент Ислом Каримовнинг ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь; Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. –80б.; Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон РеспубликаситОлий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси даги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь;

Битирув малакавий иши структураси кириш, уч боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1-БОБ. СИЁСИЙ РЕЖИМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Сиёсий режим тушунчаси ва хусусиятлари

Сиёсий режим-сиёсий фанларнинг энг асосий категорияларидан биридир. Сиёсий режим жамият сиёсий тизимининг ўз ўзини назорат қиладиган модели сифатида фаолият олиб боради. Ж.-Л. Кермонн фикрига кўра: “Сиёсий режим деганда мафкуравий, институционал ва социологик тартибдаги элементлар йиғиндиси тушунилиши керак ва бу элементлар маълум мамлакатда маълум муддатга сиёсий ҳокимиятни шакллантиришга ёрдам беради”¹.

Сиёсий режим трансформацияси муаммолари, режимларнинг демократлашуви ёки авторитарлашуви ўзига хос хусусиятлари ва сиёсий транзитнинг алоҳида босқичларини тадқиқ этишдан аввал сиёсий режим тушунчаси ва унинг хусусиятларига тўхталиб ўтиш керак. Сиёсий режим моҳиятини тушуниш орқали сиёсий режимлар трансформацияси ҳақида асосланган фикрга келиш ва унга олиб келадиган ҳақиқий омилларни билишга ёрдам беради.

Сиёсий режим жамиятнинг сиёсий тизими ишлаши воситаси сифатида ҳокимиятни амалга ошириш услублари ва методлари камраб олади, аниқ сиёсий муносабатлар, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳолати, уларнинг сиёсий активлиги даражаси ва қонунийлик ҳолатини кўрсатади. Бу бирор бир жамиятдаги сиёсий климат бўлиб, шу жамиятдаги шахсларнинг ҳолатини акс эттиради.

Сиёсий режим тушунчаси нафақат сиёсий, балки давлат ва ҳуқуқ назарияси каби ҳуқуқий фанлар доирасида ўрганилади. Бунда сиёсий фанлар

¹ Цит. по: Шмачкова Т.В. Из основ политологии Запада // Полис. 2001. - №2. - С. 138.

бу ҳодисани сиёсий жиҳатларига ўз тадқиқот объекти сифатида қараса, ҳуқуқий фанлар давлат-ҳуқуқий аспектларини ўрганади. Ҳар бир фан доирасида сиёсий режим тушунчаси ҳақида икки йирик ёндошувлар шаклланиб: “сиёсий-тизимли” ва “формал”¹. Лекин, қайд этиш керакки, бу ёндошувлар негизида ҳам сиёсий режим тушунчасига нисбатан ягона, умумий келишилган таъриф мавжуд эмас.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида сиёсий режимни “формал” таърифи ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра сиёсий режимлар давлат ҳокимиятини амалга ошириш методларининг жамланмаси ҳисобланади. Бундай ёндошув давлат ва ҳуқуқ назариясида анъанавий ҳисобланиб, А.Ф.Черданцев², А.И.Демидов³, Н.Т.Ҳолмўминов⁴, ва бошқа тадқиқотчилар асарларида ўз ифодасини топган. Ҳуқуқий фанлар ёндошувига кўра сиёсий режимлар амалий ҳарактерга эга, яъни сиёсий режим давлат бошқаруви методлари тизими билан тенглаштирилиб, давлат шакли тушунчасини ифодалайди. Шунга кўра у 3 элементдан ташкил топиши керак: бошқарув шакли, давлат тузилиш шакли ва сиёсий режим шакли. Бу ёндошув сиёсий режимнинг ташқи, формал тарафларини ёритиб, бирор бир режимда шаклланидиган институтлар, сиёсий ҳокимиятни амалга оширадиган бирликлар қабул қилган қарорлар ва фаолиятда ўз аксини топади. Лекин, тор доирадаги тадқиқотчиларгина сиёсий режимни жамият сиёсий бошқарувининг методлари йиғиндиси деб ҳисоблайдилар. Илмий адабиётларда турли тадқиқотчилар сиёсий режим элементларини турлича номлашган. Масалан, А.И.Косарев⁵, Л.И.Каск⁶ каби тадқиқотчилар “сиёсий бошқарув турлари”,

¹ Илмий адабиётларда сиёсий режим тушунчасини ёритиш бўйича бошқа ёндошувлар ҳам мавжуд. А.П.Цыганков яна икки ёндошувни тақлиф этади: “сиёсий-ҳуқуқий” ёки “институционал” ва “социологик”. Қаранг: Цыганков А.П. Современные политические режимы: структура, типология, динамика. Учеб. Пособие для вузов. - М.: Интерпракс, 1995. - С. 11-14.

² Черданцев А.Ф. Теория государства и права: Учебник для вузов. - М., Эксмо., 2001.- С. 133.

³ Теория государства и права. Курс лекций / под ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько.- М., Юрист., 2001. - С. 125.

⁴ Ҳолмўминов Н.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ўқув қўлланма.-Т., Адолат., 1996. - Б. 87.

⁵ Теория государства и права. Учебное пособие для вузов / под ред. И.А.Косарева.-М., Право., 2000. -С. 72.

⁶ Теория государства и права. Учебник/ под ред. И.А.Королева, Л.С.Явича.-Л., Изд-во Ленинградского ун-та., 1997. - С. 269.

Р.Т.Мухаев¹, Д.М.Шумков² “сиёсий бошқарув воситалари”, М.М.Рассолов, В.О.Лучин, Б.С.Эбзеев “сиёсий бошқарув шакллари”³, В.А.Толстик эса “сиёсий бошқарув услублари”⁴ деб номлашган. Сиёсий бошқарув услублари ва турлари, шакл ва методлари ўртасида кескин фарқлашни амалга ошириш қийин, шунинг учун ҳам барча элементлар бир механизм, яъни сиёсий иродани амалга оширишга хизмат қилади.

Баъзи тадқиқотчилар “формал” ёндошувни танқид қилиб, уни фақат “техник”⁵, яъни бу ҳодисани моҳиятини очиб бера олмайди деб баҳолайдилар. Лекин, сиёсий режимнинг сиёсий тизим билан ўзаро боғлиқлигини инобатга олсак, бир тарафдан сиёсий режим сиёсий тизимнинг фақат ташқи, динамик компоненти бўлиб, сиёсий ҳокимиятни амалга оширадиган аниқ тузилмалар орқали амалга оширилади.

Сиёсий режимни нафақат ҳокимиятни амалга ошириш воситалари, методлари ва усуллари йиғиндиси сифатида кўриш, балки уни шакллантириш метод ва усуллари сифатида кўриш ҳам муҳимдир. Масалан, Р.Арон фикрига кўра, турли сиёсий режимларнинг ўзига хос жиҳатларига “ҳокимиятни ташкил этиш усули” (сиёсий рақобат ёки монополия) ва “ҳокимиятни амалга ошириш усули” (радикал ва босиқ) ҳам киради⁶. Сиёсий режимни ҳокимиятни амалга ошириш усули ёки усуллари йиғиндиси сифатида қараш анъанавий ҳисобланади. Ҳокимиятни ташкил этиш усули эса фақатгина “формал” ёндошув миқёсида қўлланилади. Маълумки, сиёсий режимни таърифлашда асосий қийинчилик сиёсий режим ва бошқарув шакли орасида чегарани белгилаш ҳисобланади. Яъни, айтиш мумкинки, бирор бир бошқарув шаклининг мавжудлиги демократизм ёки авторитаризмни

¹ Мухаев Р.Т. Политология: учебник для студентов юридических и гуманитарных факультетов.-М., Проспект., 2000.-С.126.

² Шумков Д.М. Форма государства // Основы государства и права.- №1., 2000. - С. 70.

³ Теория государства и права. Учебник для вузов / под ред. М.М.Рассолова, В.О.Лучина, Б.С.Эбзеева.- М., Юристъ., 2000. - С.89.

⁴ Теория государства и права: Учебник / под ред. В.К.Бабаева.- М., Норма., 2001.- С. 101.

⁵ Бундай ёндошув сиёсий режимга таъриф беришда бир қанча маънолардан фойдаланиш тарафдорлари бўлган тадқиқотчилар учун ҳосдир. Тушунчага икки тарафлама таъриф берилиши фан учун чалкашитувчи ва хавфли ҳисобланмайди

⁶ Цит.по: Бенетон Ф. Введение в политическую науку.- М., Весь мир, ИНФРА-М., 2002. - С. 163.

борлигини тасдиқламайди. Ҳокимиятни ташкил этиш ва шакллантириш усуллари, бу жараёнларда кенг омма иштироки сиёсий режимнинг асосий кўрсаткичларидандир. Юқорида келтирилган омиллар режимларнинг демократик ёки нодемократиклигини белгилайди. Лекин бундай оддий мантиқ асосида режимларни ажратиш илмий жиҳатдан хавфлидир. Шунга қарамай, бирор бир давлатда монархик ёки республика бошқарувининг мавжуд бўлиши бу давлатдаги сиёсий режим турини белгилаб бермайди. Монархик бошқарув шаклига эга мамлакатларда формал равишда ҳокимият давлат раҳбари-монарх қўлида тўпланган ва тахтга ворислик¹ асосида авлоддан-авлодга ўтади. Бундай мамлакатларда бир қарашда давлатнинг олий мансабдор кишисини сайлашдаги аҳолининг иштироки² чеклангандек кўринади, лекин айнан шундай давлатлар бугунги кунда демократик давлатлар³ деб тан олинган. Республика бошқарув шаклига эга давлатларда олий мансабдор лавозимларни эгаллаш ва давлат ҳокимияти органлари сайловлар асосида шакллантирилса ҳам уларни фақат демократик институтлар ва ҳокимиятни шакллантириш элементларни сақлагани учун демократик дейиш нотўғри. Чунки, фақат бошқарув шаклига кўра сиёсий режим турини белгилайдиган бўлсак, Б.Муссолини, Германиянинг национал-социалистик режими, 1918-1953 йиллардаги Совет Россияси сиёсий режимларини демократик деб тан олиш керак. Кўриниб турибтики, сайлов органларининг мавжудлиги ушбу мамлакатда халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий бошқарувнинг демократик методлари ишлашини англатмайди. Сиёсий режимни таҳлил қилишда нафақат ҳокимиятни ташкил қилиш воситаларини, балки сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг ҳуқуқий ташкил этилиши, кўпструктуравийлик, сиёсий акторлар фаолияти каби

¹ Юридический энциклопедический словарь/ под ред. О.Е.Кутафина. - М., Большая Российская Энциклопедия., 2002.- С.268.

² Баъзи монархияларда монархни сайлаш институти мавжуд. Масалан, БААда давлат раҳбари-президентни ҳоким амирлар Олий кенгаши сайлайди. Худди шундай тизим Малайзияда ҳам шаклланган бўлиб, Олий раҳбар-Қиролни Раҳбарлар кенгашини ташкил этган Малайзия штатлари султонлари кенгаш аъзоларидан сайлайдилар.

³ См.: Даль.Р О демократии.- М., Аспект Пресс., 2000.- С.34.

хусусиятларни ва ҳокимиятни бирор бир гуруҳ қўлида тўпланиб қолишини тийиб турадиган специфик механизмларни инобатга олиш керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, сиёсий режим- бу фақат сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг умумий воситалари, методлари ва усуллари, ҳокимиятни ташкил этиш воситалари эмас, балки сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш воситалари, методлари ва усуллари йиғиндиси билан бирга ҳар қандай тузум учун ҳокимиятни шакллантиришнинг специфик воситаларидир. Шунингдек, сиёсий режим бу бир термин ва ёндошув доирасида тушунтириш мумкин бўлган ва содда механизм сифатида қабул қилинадиган ҳодиса эмас. Сиёсий режим бу сиёсий тизим, сиёсий ҳокимият, сиёсий бошқарув каби гуруҳларга ёндош ва у ёки бу шаклда улар билан алоқага киришадиган қийин механизмдир.

Сиёсий режимларни тадқиқ этишда асосий йўналишлардан бири бу сиёсий режим легитимлашуви ва сиёсий режим легаллашуви тушунчаларидир. Шуниндек, баъзи олимлар “сиёсий режим трансформациясини легитимлаштириш” атамаси киритишни ҳам таклиф этадилар¹.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, легитимлик деганда аҳоли томонидан сиёсий бошқарувнинг у ёки бу методлари, воситалари ва усуллари эмас, аҳолининг унга нисбатан шу чораларнинг қўлланилишига рози ёки норозилиги, ҳокимиятга бўй сунишга розилиги ва сиёсий қарорларни бажариши, яъни аҳолининг жамиятда сиёсий қаршилик позициясининг йўқлигида деб баҳо берадилар².

Ҳар бир сиёсий режим легитимацияси ўзига хос хусусиятлар билан кечади. Масалан, барча тоталитар ва деярли барча авторитар режимлар учун бу оммавий ахборот воситалари устидан назорат ва мафкуравий диктатда

¹ Тирских М.Г. Трансформация политических режимов: Государственно-правовые аспекты: Автореф. дис...канд. юр. наук. Челябинск. 2005. С. 15.

² Там же.

намоён бўлади¹. Демократик режимлар учун эса легитимациянинг асосий шакли сайлов жараёнларида кенг халқ оммаси иродасини намоиш этилишидир.

Сиёсий режимлар трансформацияси негизда режимнинг легитимлиги транзит босқичларда икки шаклда амалга ошади. Бир тарафдан, легитимлашув бир режимдан иккинчисига ўтиш босқичида ўз аҳамиятини ёқотиб, янги режим билан янгиланган қиёфада келиши мумкин. Қисқа қилиб айтганда, легитимлик сиёсий режимнинг яшовчанлигини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Иккинчи тарафдан эса, легитимлик деганда унинг “ижтимоий тартиб шаклланиши”га таъсир этиши масаласини ҳам тушуниш керак.

Сиёсий режим легаллашуви жараёни икки асосий йўналишда кечади:

биринчидан, бошқарув методлари, улардан фойдаланиш усуллари ва бу жараёнда аҳоли муҳофазаси ҳуқуқ нормалари орқали амалга оширилади; легаллашувнинг бундай шакли барча давлатларда мавжуд ва улар сиёсий бошқарувнинг асосий жабҳаларини қамраб олади.

иккинчидан, баъзи бошқарув методлари, восита ва усуллари қонун билан таъқиқланади. Бундай ёндошув кенг халқ оммасини турли хил сиёсий субъектлар томонидан жамият манфаатларига зид бўлган бошқарув методларидан фойдаланишини таъқиқлайди. Сиёсий режим легаллашувини демократик сиёсий режимларга ўтиш босқичида муҳим компонент ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сиёсий режим ҳозирги пайтга келиб энг мураккаб ва аҳамиятли сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Айнан сиёсий режим давлатда сиёсий ҳокимиятнинг амалга оширилиши, ҳокимият ташкиллашуви, давлат, жамият ва шахс ўзаро муносабатлари даражаси ва инсон ҳуқуқларининг бажарилишини белгиловчи меъёр

¹ Першина Е.В. Внешний фактор трансформации тоталитарных режимов: на примере стран Восточной Европы: Автореф. дис...канд. полит. наук. Екатеринбург. 2007. С. 26.

ҳисобланади. Сиёсий режим ижтимоий, давлат ва ҳуқуқий институтлар фаолиятини ўрганишда керакли элементлардан бири ҳисобланади.

Сиёсий режим ҳодисасини таҳлил қилиб унга қуйидаги тариф бериш мумкин: сиёсий режим – бу жамият сиёсий тизиминингнинг ташқи, динамик, ўзгарувчан кўриниши бўлиб, жамиятдаги турғун сиёсий ҳолатни ва ҳокимият ва жамият ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг турли методлари, восита ва усулларининг жамланмаси ва жамиятда мавжуд бўлган сиёсий жараёнлар, сиёсий институтлар, амалдаги мафкура, ижтимоий муносабатлар, сиёсий маданият ва иқтисодий бирликлар йиғиндисидир.

1.2. Сиёсий режимлар трансформацияси тушунчаси ва босқичлари

Сиёсий режимларни тадқиқ этишда юзага келадиган асосий муаммо бу уларнинг трансформацияси, яъни бирор бир жамиятда аввалгисидан бошқа сиёсий режимни вужудга келиш жараёнидир. Бу жараённинг асосий параметрлари бўлиб давлатдаги амалдаги қонунчиликнинг, ҳуқуқ тизими, давлат механизмининг ўзгариши ҳисобланади. Юқорида қайд этилган параметрларни инобатга олмаслик трансформация жараёни кечишини қийинлаштириб, “эски режим”¹ рестаурациясига олиб келиши мумкин.

Сиёсий режим сиёсий тизимнинг ташқи, динамик кўриниши бўлиб, сиёсий тизим ўзгаришига ўта таъсирчандир. Яъни, сиёсий режим доимий динамик ўзгаришда бўлишига қарамай, бу ўзгаришлар сиёсий режим турини ўзгаришига олиб келмайди.

Илмий адабиётларда сиёсий режим трансформациясини характерловчи бир қанча терминлар мавжуд. Умумэътироф этилган “сиёсий режим трансформацияси” термини билан бир қаторда унга синоним бўлган

¹ “Эски режим” термини янгиланишдан олдин амалда бўлган сиёсий режимни билдириш учун қўлланилади.

“транзитив жараён”, “транзитологик жараён”, “транзитив ўтиш жараёни” каби терминлар ҳам қўлланилади.

Транзитологик жараён деганда амалдаги сиёсий режимнинг хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган давомий ҳаракатлар йиғиндисини тушуниш керак. Лекин, сиёсий режимнинг хусусияти ҳар қандай ўзгаришларини трансформация деб бўлмайди, чунки баъзи ўзгаришлар сиёсий режимнинг баъзи элементларини ўзгартириб, унинг шаклини аввалидек қолдиради. Бундай жараёни режим ичидаги ўзгариш деб аташ керак, лекин трансформация эмас. Сиёсий режимлар трансформацияси- бу ҳар доим бирор турдаги режимдан иккинчисига ўтиш, унинг шаклини ўзгаришидир. Кўп режим ўзгаришини қамраб оладиган сиёсий жараёнлар вақтинчалик ўзгаришларни олиб келади, натижада яна аввалги режимга қайтиш ҳолати кузатилади. Умумий олганда, сиёсий режим трансформацияси деганда нафақат бир турдаги режимдан бошқасига ўтишга олиб келадиган жараёнлар, балки аввалги режимдан бошқа режимни пайдо қиладиган ўзгаришларни ҳам тушуниш керак.

Сиёсий режимлар ўзгаришини ифодалаш учун “трансформация” термини билан бир қаторда унга ёндош сиёсий режимлар “модификацияси” ва “модернизацияси” терминлари қўлланилади. Масалан, А.П.Цыганков ёзишича, “ўтиш даври сабабларини тушунишда модернизация назарияси муҳим аҳамиятга эгадир”¹. Модернизация энг аввало, сиёсий режим ўзгаришини иқтисодий ислохотлар билан бир даврда амалга оширилишини билдиради. Шунингдек, модернизация сиёсий режимни замонавий стандартларга мослаштириш сифатида ҳам тушунилади². Лекин бундай ёндошув фақатгина демократик режим қуришга тааллуқлидир. Сиёсий режим модификацияси эса унинг тубдан ўзгаришини талаб этмай, амалдаги режим доирасида ислохотлар ўтказилишини талаб этади. Юқорида қайд этилган

¹ Цыганков А.П. Современные политические режимы. - М., Гадарика, - 1995. - С. 211.

² Побережников И.В. Модернизация: теоретико-методологические подходы // Экономическая история. Обозрения. - Вып.8. - М., 2002. - С. 149-150.

терминлар билан бирга сиёсий режимни “моделлаштириш” тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бу термин баъзи давлатларда сиёсий режимни янгилаш мақсадида ташқаридан “демократия экспорти” жорий қилиниши билан фарқланади.

Ҳар қандай транзитологик ўтиш бир қанча босқичларни ўз ичига олади. Лекин, ҳар қандай давлат бошидан кечирадиган транзитологик жараён учун бир хил босқичларда ўтадиган ягона моделни таклиф этиш мумкин эмас.

Биринчидан, турли сиёсий режимларда бир режимдан иккинчисига ўтиш бир тарзда амалга ошмайди. Бу босқичлар турли жараёнлар, воситалар, методларни босиб ўтади. Ҳаттоки, бир турдаги транзитологик жараёндан (авторитаризация, демократизация) бошқасига ўтиш жараёни ҳам умумқабул қилинган босқичларда амалга ошмайди. Бунинг асосий сабаби, ҳар бир давлатдаги сиёсий режим трансформацияси унинг ўзигагина хос бўлган уникал тарихий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитда содир бўлади. Умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, авторитар (тоталитар) режимлардан демократик ёки либерал режимларга ўтишда транзитларнинг 3 гуруҳини қайд этиш мумкин¹. Биринчи (XVII аср — XX асрнинг биринчи ярми), иккинчи (1945—1980 й), ва учинчи (XX аср охири) демократизация тўлқини давлатларида транзит жараёни турли хил тарихий (иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий) шарт-шароитларда бўлиб ўтган.

Иккинчидан, сиёсий режимлар трансформациясини аниқлаштириш транзитологик жараённинг турли аспектлари таҳлилидан келиб чиқиб амалга оширилади. Масалан, баъзи тадқиқотчилар асос сифатида сиёсий режимдаги ички ўзгаришларни олса, баъзилари ташқи ўзгаришларга эътибор беради.

Шундай қилиб, сиёсий режим трансформацияси босқичларини фақатгина ҳар бир транзит жараёни учун хос бўлган специфик босқичлар ва механизмларни инобатга олган ҳолда тузиш мумкин. Бу босқичларни тузиш юзасидан турли хил ёндошувлар шаклланган. Уларнинг деярли барчаси

¹ Политология: Энциклопедический словарь / отв.ред. и сост. Ю.И.Аверьянов.-М., изд-во Моск. Коммерч. Ун-та., 2001. - С.95.

сиёсий режимлар янгиланишининг хусусий ҳоллари - демократизация (авторитар тузумда, демократик тузума ўтиш) ва тоталитар режим шаклланишига бағишланган. Бу 2 шаклни тадқиқ этиш билан Д.Ростоу, Г. О'Донелл, Ф.Шмиттер, А.Пшеворский, С.Хантингтон, Р.Даль, З.Бжезинский, Х.Арендт, Р.Арон каби олимлар шуғулланган.

Ўтиш босқичи ҳақидаги дастлабки динамик тизимлардан бири XX асрнинг 70-йилларида америкалик олим Данкравт Ростоу томонидан таклиф этилган. Бу модель демократия асоси сифатида миллий бирликни олади. Д.Ростоу фикрига кўра, жамиятда сиёсий режимга алоқадор ҳеч қандай ечилмаган вазиятлар қолиши мумкин эмас. Агар, жамиятда бирлик бўлмаса демократизациянинг қайсидур босқичида конфликтга киришган тарафларга нисбатан репрессив чоралар кўрилиши мумкин. Ростоу моделида антидемократик тизимдан демократик тизимга ўтишнинг 3 фазали босқичи кўрсатилган: 1) тайёрлов босқичи, сиёсий элиталар ичида кучли конфликтлар кузатилиши билан ҳарактерланади, 2) қарор қабул қилиш босқичи, сиёсий битимлар тузиш, альтернативаларни излаш ва компромиссларга келиш, оқибатда демократик қурилиш режалари ишлаб чиқилади, 3) мослашиш босқичи, жамиятда демократик институтлар ва жараёнлар норма шаклига келади¹. Д.Ростоу таклиф этган моделга таянган ҳолда Г.О'Донелл ва Ф.Шмиттер демократияни ташкил этиш моделини яратди². Уларнинг моделига кўра демократияга ўтишнинг 3 босқичи мавжуд: либерализация, демократизация ва социализация.

Демократик транзитнинг яна бир концепциясини А.Пшеворский таклиф этган. Унга кўра, ўтишнинг 2 босқичи мавжуд – либерализация ва демократизация. Иккинчи босқич ўз навбатида иккига бўлинган: авторитар режимдан ҳалос бўлиш ва демократик бошқарувни тузиш. А.Пшеворскийга таянган ҳолда С.Хантингтон давлатлар демократизациясининг 3 вариантыни

¹ См.: Харитонова О.Г. Генезис демократии (Попытка реконструкции логики транзитологических моделей) // Полис. - 2006. - №5. - С. 71.

² Там же. - С. 73.

таклиф қилган: трансформация, парокандалик, ҳалос бўлиш. Трансформация ҳукуматнинг оппозициядан устун бўлишини талаб қилади.

В.Шейнис ҳам ўз навбатида сиёсий режимлар трансформациясининг 3 фазали моделини таклиф этган.

А.П.Цыганков ёзишича, “Шейнис сиёсий циклнинг 3 асосий фазасини таклиф қилган.

Биринчи- аввалги режим инқироzi ва ахлоқий-сиёсий изоляцияси; бу босқичда кенг қамровдаги антибюрократик коалиция тузилиб, улар демократик ва бозор ислохотлари дастурларини ёқлаб чиқади. Иккинчи-ушбу коалицияларнинг тўлиқ ёки қисман ғалабаси; бошқа янада кучлироқ бюрократиянинг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг халқ оммаси олдида авторитени ёқотиши ва коалициялар тарқалиши. Учинчи-сўнгги босқич, яъни аввалги режим билан генетик боғлиқ бўлган, кенг оммани бирлаштира оладиган лидер ва ташкилотларнинг ҳокимият тепасига келиши”¹.

Демократиш ўтишларни кузатганда асосий эътиборни жамиятнинг бу жараёнларга тайёр эканлиги масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Р.Дальнинг фикрига кўра, демократик сиёсий режимнинг пайдо бўлиши ва яшовчанлиги жамиятнинг демократия кераклиги ва фойдалилиги ҳақидаги қарашларига боғлиқ².

Ҳар қандай ўтиш моделлари жамиятдаги ижтимоий, миллий ва диний гуруҳлар ўртасидаги конфликтсиз муносабатларга таянади. Лекин, баъзи тақдиротчилар фикрича, жамиятдаги транзитларнинг асосий омили (катализатори) конфликт ҳисобланади. Масалан, авторитар режимли давлатда миллий негизда конфликтнинг вужудга келиши, агар жонли давлат механизми ишласа мамлакатнинг бир нечта суверен бўлакларга ажралиб кетишини олдини олади. Яъни, давлат ҳокимияти мамлакатни бўлиниб кетишига йўл қўймайдиган даражада кучли бўлса, лекин конфликтларни

¹ Цыганков А.П. Современные политические режимы. - М., Гардарики,- 1995. - С. 225.

² Мельвиль А.Ю. Опыт теоретико-методологического синтеза структурного и процедурного подходов к демократическим транзитам // Полис.-1998. - №2. - С.21.

олдини олишга унчалик қодир бўлмаса, бу вазиятдан фақатгина қарама-қарши гуруҳларнинг ўзаро компромисси олиб чиқади.

Сиёсий режимлар трансформацияси босқичларини белгилашда асосий омил сиёсий режимларнинг ташқи хусусиятларини ўзгариши бўлиши керак.

“Ташқи ўзгаришлар концепцияси”га асосан сиёсий тизимлар трансформациясининг 4 асосий босқичларини белгилаш мумкин:

1. амалдаги режим деформацияси. Бу босқичда институционал, функционал, мафкуравий ва бошқа жабҳаларда амалдаги режим юзага келтирган ўзаро қарама-қаршиликларни йўқотиш амалга оширилади;
2. функционал янгиланишлар босқичи. Бу босқичда сиёсий режимнинг янги мафкуравий асосий шакллантирилади, сиёсий бошқарувнинг устувор методлари белгиланиб, давлатнинг янги регуляция соҳалари белгиланади;
3. сиёсий режимнинг институционализация босқичи. Бу босқичда давлат ҳокимияти бу режим учун мажбурий бўлган янги асосий инстиутлар ташкил этади, уларни легитимлаштиради (мас, демократик руҳдаги эркин сайловлар) ва давлат органларининг янги, эффектив тизмини ташкил этади.
4. сиёсий режим социализацияси босқичи. Бу босқичда юз бераётган янгиланишлар юзасидан жамоатчилик фикри ва позицияси шаклланади (уларни қабул қилиш ёки инкор этиш), кейинчалик бу режимга ўрганиш, яъни бу сиёсий режимни давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бир қисми сифатида қабул қилиш шаклланади”¹.

Сиёсий режимлар янгиланиши жараёни жуд қийин ва кўп босқичли йўлни босиб ўтади, шунинг учун ҳам транзитологик жараённи нафақат босқичлари, балки элементлари ва босқичости жараёнлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

¹ Попов Э.А. Институционализация Российской демократии //Социс. - 2001. - №5. - С.23.

Ҳар қандай сиёсий режим трансформацияси учун муҳим аҳамиятга эга ҳодиса бу давлат бошқаруви, унинг алоҳида қисмлари ва элементларининг янгиланишидир. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра бундай янгиланиш 3 шаклда амалга оширилиши зарур:

1. давлат ҳокимияти органлари тизимининг ўзгариши, яъни демократик транзитларда ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий режим авторитарлашувида ҳокимиятнинг унитарлашуви;
2. давлат ҳокимияти органлари фаолияти принципларининг ўзгариши;
3. давлат ҳокимияти органлари шаклланиши тартибининг ўзгариши¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир давлат ва жамиятдаги транзитологик жараён уникал бўлиб, ушбу давлат ва жамиятгагина хос спецификани ифода этади. Шунинг учун ҳам, сиёсий режимлар трансформацияси ва у босиб ўтадиган босқичлар юзасидан турли хил концепциялар ва қарашлар мавжуд. Сиёсий режимлар трансформациясини хусусий ёндошув асосида, яъни режимнинг барча ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда ўрганиш зарур. Бундан ташқари сиёсий режимлар трансформацияси босқичида босқич ости жараёнларни ҳам ўрганиш ва ҳар бир мисол юзасидан алоҳида ёндошув талаб этилади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, демократик тузум тарафга қараб ўтаётган транзитологик жараёнларда барча жамиятлар учун бир моделни белгилаш нотўғри бўлади. Чунки, демократия ғавкулотда феноменал, индивидуал ҳодисадир ва унинг бир дастур асосида ривожланиши қийин. Ҳар бир халқ ўз тарихи, маданияти, менталитети ва анъанавий ҳокимият институтларидан келиб чиққан ҳолда ўз демократиясини танлайди². Шунинг учун ҳам демократиянинг асосий вазифаси – жамиятда ёт, бошқа халқлар

¹ Егоренков Д.А. Трансформация политических режимов В России и Бразилии в контексте “третьей волны демократизации”:сравнительный анализ: Автореф. дис...канд. полит. наук. Саратов. 2008. - С. 21.

² Егоренков Д.А. Трансформация политических режимов В России и Бразилии в контексте “третьей волны демократизации”:сравнительный анализ: Автореф. дис...канд. полит. наук. Саратов. 2008. - С. 21.

томонидан ўрнатилган демократик сиёсий шакллларни жорий этиш эмас, айнан ўз давлати учун мос келадиган махсус сиёсий тизимни яратишдан иборат.

**2-БОБ. ШИМОЛИЙ АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ СИЁСИЙ
РЕЖИМЛАРИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

2.1. “Араб баҳори” нинг Шимолий Африка давлатлари ижтимоий - сиёсий жараёнларига таъсири

Шимолий Африка ва Яқин Шарқда биринчи оммавий норозиликлар тўлқини 2010 йил декабрь ойида Тунис ва Жазоир давлатларида бошланди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Араб баҳори деб 2011 йил баҳорида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шиддатларда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисига айтиш мумкин¹. Албатта, Араб баҳори воқеалари мураккаб ички вазиятга қаршилик ҳаракати эди, лекин бу ҳодисаларда албатта, ташқи сабаб ва оқибатлар ҳам мавжуд.

Бу ижтимоий ҳаракатлар натижаси бўлиб Тунис, Миср, Ливиядаги амалдаги режимлар қулаши, Ямандаги ҳокимият элитасидаги ўзгаришлар ва бугунги кунга қадар давом этаётган Суриядаги расмий ҳокимият ва оппозиция ўртасидаги курашни келтириш мумкин. Олимларнинг фикрига кўра, агар Тунис, Миср ва Яманда амалдаги режимга қарши намоишлар ички омиллар - ижтимоий-иқтисодий кризис, ҳукмрон элитанинг коррупцияга ботиб кетгани, ҳақиқий демократик эркинликларнинг йўқлиги, этноконфессионал қарама-қаршиликларга асосланган бўлса, Ливия ва Сурияда (юқорида айтиб ўтилган муаммолар бўлса ҳам) эса ҳал қилувчи омилни оппозицион кучларнинг ташқаридан қўллаб-қувватланиши ташкил этди². Бу воқеалар Сомали, Мавритания ва Комор оролларида ташқари барча араб дунёсини қамраб олиб, давлатларнинг кейинги сиёсий тақдирини ўзгартириш билан бирга уларнинг сиёсий тизмлари ва тузимларида янгиланишларга олиб келди.

¹ Комлева Н.А. Арабская весна: геополитический аспект // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL: http://www.philos.lv/Citu_raksti/Arabskaja.html (дата обращения: 14.03.2014).

² Долгов Б.В. Арабская весна: итоги и перспективы // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL: <http://www.perspektivy.info/book/arabskaja-vesna-itogi-i-perspektivy-2012-04-19.htm%D0%91%D0%BE%D0%BB%D1%8C%D1%88%D0%B5%20%D0%B8%D0%BD%D1%84%D0%BE%D1%80%D0%BC%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B8%20%D0%BD%D0%B0%20http://voprosik.net/arabskaya-vesna-i-resursnaya-politika> (дата обращения: 25.03.2014).

2011 йил араб дунёсида бўлиб ўтган ғалаёнлар илмий муомалада “революциялар тўлқини”¹ ёки “демократизация тўлқини”² номини олди. Бундай ҳодисалар аввал XIX аср ўрталарида “халқлар баҳори” деб ном олган кўринишда, ўтган асрнинг 60-йилларида Африка колониал мамлакатлари билан ва 80-90 йилларда социалистик блок тарқалиши вақтида содир бўлган.

Лекин Араб баҳорига нисбатан революция терминини қўллаш унчалик тўғри эмас, ижтимоий-сиёсий ларзалар термини бу ҳодисани тўғри очиб беради³.

Араб баҳорининг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига таъсир даражаси турлича бўлди. Шартли равишда Араб баҳори ижтимоий-сиёсий ларзалари давлатлар сиёсий жараёнлари ҳаракатерида чуқур из қолдирган Тунис, Миср, Яман, Бахрайн, Ливия, Сурияни ва бу ҳодисалар фақатгина юзаки таъсир кўрсатган Марокаш, Иордания, Ливан, Жазоир, Қувайт, Саудия Арабистони, Судан, Уммон каби давлатларни келтириш мумкин⁴. Юқорида қайд этилган биринчи гуруҳ давлатларида “демократизация тўлқини” сиёсий режимлар ағдалирилишига олиб келди ва Тунисда З.Бен Али, Мисрда Х.Муборак, Ливияда М.Каддафи режими кулади.

Бу жараёнда алоҳида эътиборни Тунис, Миср ва Ливиядаги мамлакат ичкарисидagi элиталар ўртасидagi конфликтлар муҳим аҳамиятга эга. Тунис мисолида давлат армияси ва махсус хизматлар ўртасидagi қарама-қаршиликлар алоҳида аҳамият касб этган бўлса, президент Бен Али махсус хизматларга таяниб қолиши натижасида армия ва ҳарбий кучлар мамлакатдаги ғалаёнларни бостиришда ҳукумат тарафидан фаолият юритмади. Тунис махсус хизматларида фаолият юритадиган ишчилар сони армиядан 4 баробар кўпчиликти ташкил этгани, ларзалар пайтида армия

¹ Цырель С.В. Революции, волны революций и Арабская весна. // Системный мониторинг глобальных и региональных рисков: Арабская весна 2011 г./ Ред. А.В.Коротаев, Ю.В.Зинькина, А.С.Ходунов. М.: ЛКИ. - 2012. - С.128-161.

² Труевцев К.М. Год-2011 новая демократическая волна? -М.: «Высшая школа экономики». 2011.- С.48.

³ Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. М.: Новый взгляд, 2013.- С.1467

⁴ Там же.-С.1448.

генералларининг ҳокимиятга чиқиши учун намоишларни қўллашига туртки бўлди.

Миср мисолида ҳам армия олий мансабдор шахслари ва Жамол Муборак ўртасидаги конфликт Ж.Муборак президентликка номзодини илгари суриш ниятини билдирганидан бошлаб авж олди. 1952 йил революциясидан бери ҳокимият тепасида турган ҳарбийлар¹ армия билан қаттиқ боғлиқ бўлмаган Ж.Муборак ҳокимият тепасига келишини истамаслиги аниқ эди². Бу ўз навбатида ҳарбий генералитет ва парламент ва ҳукуматда кенг ваколатларга эга ўринларни эгаллаган Ж.Муборак ҳамфикрлари ўртасида низони вужудга келтирди.

Ливия сценарийси ҳам юқоридаги икки ҳолатни такрорлади. Агар, Тунис ва Мисрда элита ичидаги низолар бир текисликда амалга ошган бўлса, Ливияда бу низолар қабилавий низолар билан аралаш ҳолда кечди. Аввалдан бир бирига қарши бўлган Триполитания ва Киренакия қабилалари, Триполитаниядан чиққан М.Каддафининг 40 йилдан ортиқ ҳокимият тепасида туришини қабул қила олмади. Вазиятни Ливиянинг энг нефть ресурсларига бой ҳудудлари шарқда, яъни Киренакия ҳудудларида жойлашгани оғирлаштирди. Ташқи душман образи олдида бирлашган Триполитания, Киренакия ва Феццана қабилалари жумҳурият тузиш ҳақидаги мафкуралар билан М.Каддафи қўл остида бирлашган эди. Лекин, ўн йилликлар давомида ҳеч қандай янгиланишларсиз турган режим ўзининг нўноқлигини кўрсатди. Ливия амадаги режими жуда тез суръатларда кулади, барча структуралар бирин кетин повстанцлар қўлига ўта бошлади. 2011 йил баҳорига келиб М.Каддафи режимини фақат унинг қабиладошлари қўллаётган эди.

Араб республикалари сўнгги гуруҳи (Жазоир, Ливан, Судан) мамлакатдаги кучли ижтимоий-сиёсий ларзаларга қарамай иммунитет ишлаб

¹ 1952 йилдан бери МАР сиёсий ҳокимияти тепасида фақатгина ҳарбийдан чиққан президентлар турган: М.Нагиб, Ж.Абдул Носир, А.Садаат, Ҳ.Муборак.

² Цыт. по: Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. М.: Новый взгляд, 2013. - С.1469.

чиқди. Бу давлатларда норозиликлар фақат вақти-вақти билан такрорланадиган тусга кириб, сиёсий тизим ўзгаришига эмас, унинг салгина замонавий реалияларга кўникишига олиб келди. Масалан, Жазоирдаги ижтимоий-сиёсий ларзалар ижтимоий-иқтисодий муаммоларга асосланган эди. Бу ҳодисалар кўшни Тунис ва Мисрдаги кўтарилишлар занжири сифатида эмас, мамлакатда маҳсулотлар нархининг ошиши билан боғлиқ эди. 2011 йил январь ойида ўтказилган намоишларда намоишчилар сиёсий талаблар билан эмас, ишсизлик, нархларнинг ошиши, паст ойлик иш ҳақлари, юқори инфляция кўрсаткичлари, солиқларнинг кўтарилиши каби ижтимоий муаммоларни олиб чиққанлар. Шунинг учун ҳам кўзғалонларнинг биринчи ойида Жазоир ҳукумати айнан иқтисодий муаммоларни ечиш масалаларини ҳал этишга киришди.

Араб баҳори даврида аввалдан ижтимоий-иқтисодий талаблар кўтарилиб чиқилган давлатларда фуқароларнинг ўзини-ўзи ёқиш ҳолатлари кузатилди: Тунис (М.Буазизий), Миср (А.Муним Камол), Яман (Ф.Султон). Кўзғалончилар фақат сиёсий талаблар билан чиққан мамлакатларда эса бундай ўз-ўзини ёқиш ҳолатлари кузатилмаган.

Вақт ўтиши билан кўшни мамлакатларда кузатилаётган нотинч вазият занжир реакциясини бериб кўчишни бошлади. Масалан, Жазоир оппозицион кучлари Мисрдаги ғалаёнлардан руҳланиб, сиёсий талабларни қўя бошлади. Лекин, Жазоирда амалдаги сиёсий режим сақланиб қолинишига асосий сабаб этиб кўшни мамлакатлардагидек президент А.Бутафликанинг жуда узок муддат давомида ҳокимият тепасида бўлмагани сабаб бўлди. Иккинчидан, Жазоир жамияти 1990 йилларда урушни бошидан кечиргани ва жамият учун тубдан ўзгаришлар эмас барқарорлик муҳимлиги билан ифодаланади. Учинчи, яна бир муҳим жиҳат Жазоир сиёсий ҳаётида исломий партиялар асосий ўрин эгаллаганидадир. 2007 йилда Миллий Халқ Ассамблеяси учун бўлиб ўтган сайловларда Жазоир Яшил Альянси (Ҳамас, ан-Наҳд, ал-Ислом коалицияси) 6,22% овоз билан парламент юқори палатасида 47 та ўринни

эгаллади¹. Яъни, исломийларнинг сиёсий ҳаётдаги домий иштироки ҳокимиятни уларнинг позициясига мослашувига ва уларнинг хоҳиш истакларини била олишга ўргатган.

Ўз навбатида Тунис, Миср ва Ливиядаги исломий кучларнинг ялпи бостиришга бўлган ҳаракатлар жуда ёмон оқибатларга олиб келди. З.Бен Али, Ҳ.Муборак ва М.Каддафи ўз мамлакатларида исломий кучларни тўлиқ ликвидациясини амалга ошира олишлари ҳақида ишончлари комил эдики, айнан шу кучлар кўтарилиши сиёсий режимларни ағдарди².

Шимолий Африка давлатлари ичида 2011 йил воқеаларини нисбатан енгил бошдан кечирган давлат бу Судан бўлиб, бунга асосий сабаб мамлакат Жанубий Судан масаласи билан доимий босимга кўниккан эди. Судан ҳокимияти тепасида турган элитани демократизация ва сиёсий эркинлик масалаларидан кўра кўпроқ энергоресурслга бой жануб қизиқтирар эди. Юқорида келтирилган давлатларга ўхшаб Суданда ҳам исломийлар омили муҳим саналади. Жазоир каби Суданда ҳам исломий партиялар парламентда қонуний фаолият олиб боради.

Араб баҳори натижаларига кўра қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

Биринчидан, айтиш мумкинки, кўзғалишлар натижасида монархик режимлар республика режимларига нисбатан яшовчанлик ва мустақамлигини намоиш этди. Ягона истисно сифатида Бахрайни келтириш мумкин, яъни ФКАДХК қўшинларининг киритилиши натижасида оммавий ғалаёнлар бостирилди, бундай амалиёт бошқа ҳеч қайси давлатда қўлланилмаган. Минтақадаги конституциявий монархиялар (Иордания, Марокаш) эса республикаларда қулаган режимлардан анча яхши, лекин амалдаги монархиялардан ёмонроқ шароитда қолиб кетди³.

¹ Жазоир парламенти 462 та депутатдан иборат.

² Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. М.: Новый взгляд., 2013. - С.1473.

³ Исаев Л.М. Демократическая зима в Северной Африке. // Неприкосновенный запас.- 2011. - №3. С.43.

Иккинчидан, республика режимлари бардошлилиги асосан 3 омилга таянган эди: биринчи омил-мамлакат масштабларида яқин ўтмишда бўлиб ўтган сиёсий конфликтлар мавжудлиги; иккинчи омил-мамлакат элиталари ичидаги конфликтлар. Тунис, Миср ва Ливия сиёсий элиталари яхлитлиги ва монолитликнинг йўқлиги бу давлатлардаги амалдаги режимларнинг ўз вақтида ўзгаришларга жавоб бера олмаслигини таъминлади; учинчи омил-мамлакат ичкарасидаги ижтимоий-сиёсий ларзаларга ташқи сиёсий реакциянинг мавжуд бўлгани. Яман ва Бахрайн каби давлатларда бу реакция стабиллаштирувчи роль ўйнаган бўлса, Ливия ва Мисрда деструктив роль ўйнади.

Албатта, ижтимоий-сиёсий ларзалар келиб чиқишида сўнгги ва муҳим аҳамиятга исломийларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки сабаб бўлди. Исломийларнинг Тунис, Миср ва Ливиядаги сиёсий жараёнларда пассив иштирок этиши уларнинг амалдаги ҳокимият тарафида эмас оппозиция билан ҳамкорлик қилишида ўз аксини топди. Жазоир, Ливан, Ироқ, Суданда эса актив иштирок этган исломийлар бу давлатларда ҳукуматга қарши қайфиятни камайтиришга хизмат қилди.

Ж.Блондель таклиф этган ривожланаётган давлатлар сиёсий режимлари классификациясига кўра, араб дунёсидаги авторитар режимларни консерватив(монархиялар), прогресистик(республикалар)га ажратиш мумкин¹. Араб баҳори воқеалари монархияларда монарх ҳокимиятининг чекланиши, сайлов тизими реформацияси, ижро ҳокимиятининг шаклланиши каби масалаларни қамраб олиб, лекин монархик бошқарув шакли моҳиятига таъсир этмаган бўлса, республикаларда эса нафақат оммавий норозиликлар ва кўзғалишларга, балки мажбурий тарзда сиёсий режимлар ўзгартирилишига ҳам олиб келди.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари бошидан кечирган ва кечираётган трансформациялар ҳар бир давлатнинг ўзига хослиги, яъни ушбу

¹ Цыт. по: Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. М.: Новый взгляд, 2013. - С.1476.

давлатларнинг миллий ва давлат қурилишининг қайси босқичини бошдан кечираётганига қараб турли ўзгаришларни келтириб чиқарди:

- демократлашув жараёни-Тунис ва Миср каби давлатлар сиёсий тизимларида янги элементлар пайдо бўлиши, амалдаги режим афдарилиши ва конституциявий ўзгаришларнинг жорий этилиши;
- либерал-демократик ислохотларнинг жадаллашуви жараёни-Марокаш ва Иордания каби давлатлар ва бошқа республика тизимлари учун кучли ларзаларсиз, лекин амалий натижаларга олиб келувчи ислохотларнинг тадбиқ этилиши;
- секин либераллашув жараёни-Форс кўрфази монархиялари учун амалдаги ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда, либерализация элементларини жорий этилиши;
- сиёсий тарқоқлик (парчаланиш) ёки ярим тарқорлик (ярим парчаланиш) жараёни-Ливия, Яман, Сурия каби давлатлар учун вазиятнинг оғирлашуви ва мамлакат сиёсий истиқболини белгилашда ноаниқлик даври. Бу даврда ушбу мамлакатлар сиёсий истиқболини белгилашда минтақавий гегемонлар (САП, Туркия, Эрон) ва дунёда етакчи давлатлар(Россия, ХХР, АҚШ)нинг минтақада шакллантирадиган кучлар мувозанати муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда минтақадаги ҳар бир давлат ичидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши қўшни давлатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада сўнгги йилларда содир бўлган ўзгаришлар янада қийин ва ўзаро боғлиқ вазиятни вужудга келтириб, нафақат қўшни минтақалар, балки жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик нисбатини ўзгаришига олиб келади.

Араб баҳори натижаларига кўра Шимолий Африка мамлакатлари турли хил ўзгаришларни бошдан кечирди. Ливия, МАР, Тунис каби мамлакатларда сиёсий режимлар афдарилиши ва ҳокимият тепасига янги кучлар келишини

кузатадиган бўлсак, Жазоир ва Судан каби мамлакатларда 2011 йил ижтимоий-сиёсий ларзаларига иммунитет яратилди¹. Бу ердаги норозилик ҳаракати оммавий характер касб этмай, вақти-вақти билан қайталаниб турадиган ҳодисага айланиб, сиёсий тизмнинг фақатгина юзаки “косметик” янгиланишига олиб келди². Шимолий Африка амалдаги режимлари қулаган давлатлар эса, ўз навбатида, мамлакат ичкарасидаги ўсиб бораётган исломийлик омили қурбони бўлди. Миср, Ливия ва Тунис сиёсий элиталари ўз мамлакатада исломий хавфни батамом йўқ қилишлари ҳақида шу даражада ишончлари комил эдики, айнан шу исломий ҳаракатлар уйғониши режимлар қулашининг асосий ички омилларидан бири бўлди.

2.2. МАР сиёсий режими трансформациясини келтириб чиқарган сабаблар ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Мисрнинг яқин тарихига мурожат қиладиган бўлсак, бу давлат Яқин Шарқдаги энг кучли минтақавий етакчилардан бири бўлган. МАР ўз Конституциясига(1882 й) эга бўлган биринчи араб давлати бўлиб, минтақада биринчилардан бўлиб қирол ҳокимиятини ағдарган ва ғарбга тобе монархик режимлар қулашини ўз амалиётида кўрсатиб берган давлатдир. 1970 йилдан бошлаб эса Миср социализмдан капиталистик тараққиёт йўлига ўтган ва 2000-йилларгача мамлакатда амалга оширилган иқтисодий реформалар юқори натижалар билан самара берган. Бунга кўшимча сифатида, Миср Африка, Осиё ва Европа чорраҳасида жойлашган энг аҳолиси кўп араб давлатидир. Араб революцияларигача бу давлат минтақада иккинчи (Исроилдан кейин) АҚШ ҳарбий ёрдам олувчи ва Исроил билан тинчлик шартномаси имзолаган давлат эди. Миср минтақа хавфсизлигининг асосий

¹ Цыт. по: Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. М.: Новый взгляд., 2013.- С.1470.

² Там же.

элементларидан бири, шунингдек, минтақадаги энг барқарор иқтисодий тизимлардан бири бўлган.

Бугунги кунда кўпчилик мутахассислар араб дунёсидаги ғалаёнларнинг туб асоси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг оғирлиги билан боғлайдилар. Лекин, расмий маълумотларга қарайдиган бўлсак, Араб баҳоридан олдин Миср аҳолисининг ҳаёт даражаси нисбатан юқори бўлган (*Илова 1*). Миср мамлакатдаги коррупция даражаси бўйича дунёда 178 давлат ичида 98 ўринни эгаллаган (*Илова 1*). Шунингдек, мамлакатда ишсизлик даражаси 9% ни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич АҚШ да 9,6%, Францияда 9,3%, Покистонда эса 15,4% ни ташкил этган (*Илова 1*). Миср халқаро муносабатлар актив иштирокчиси, мамлакат ичида барқарор вазиятни ушлаб турган, иқтисодий кўрсаткичлари доимий ўсиб борган давлат эди. Юқоридаги фикрлардан аниқ айтиш мумкинки, Миср сиёсий режими трансформациясини вужудга келтирган тўғридан-тўғри (очик) ва яширин (латент) сабаблар мавжуд.

Биринчи гуруҳ, албатта, мамлакат беқарорлигига олиб келган очик ёки тўғридан-тўғри сабаблардир. Араб шарқида революциялар радикал кайфиятдаги ёшлар томонидан ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали ташкил этилгани Миср учун ҳам тааллуқлидир. Дунёда кетаётган демократлашув ва либераллашув жараёнларини кузатган Миср ёшларида ўз атроф-муҳитидан норозилик вужудга келди. Мамлакатда янги информацион ва коммуникацион технологиялар кенг омма томонидан фойдаланишнинг бошланиши бу тармоқнинг ҳокимият назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. Масалан, 2005 йилга келиб Мисрда 180 000 та блоглар ишлар эди, яъни бу тармоқлар араб тилидаги барча тармоқларнинг 40% ни ташкил этди¹. Ёш блоггерлар томонидан турли намоишларга оммани жалб этиш айнан норасмий ОАВ орқали амалга оширилди. Youtube ва Facebook сайтларида мисрлик ёшлар мамлакат сиёсий келажагига бефарқ бўлмаслик ва янги

¹ Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Под ред Курягина С.-М.: МОФ ЭТЦ.- 2011. - С.178.

ҳокимият шаклланишида актив иштирок этишга чорладилар. Яқин Шарқда, шу жумладан Мисрда 1985-1990 йилларда туғилиш суръатларининг ортиши ва революциялар даврига келиб аҳоли демографик структурасида ёшлар улушининг кўпайиши бу оммавий ҳаракатларда ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминлади.

Мисрда оммавий намоишлар турли хил нуқталардан эмас, “Мусулмон биродарлар” ёшлар қанотининг уюшган ташкиллаштирувлари орқали амалга ошди. Мисрда бўлиб ўтган революциянинг биринчи кунларидан бошлаб унинг яқин келажакдаги сиёсий истиқболи аён бўла бошлади, яъни ҳокимиятга “Мусулмон биродар”нинг тўғридан-тўғри даъволари мавжуд эди. Ҳ.Муборак режими ағдарилгандан сўнг революцияларни бошдан кечирган ҳеч қайси бошқа араб давлатида “Мусулмон биродарлар” чалик ҳокимиятга эришишга яқин ва омма орасида кучли қўллаб-қувватланадиган уюшма йук эди.

Очиқ сабаблардан яна бири бу Ҳ.Муборак томонидан мамлакатда 1981 йилдан бери фавқулотда ҳолат жорий этганидир. Мамлакат аҳолиси 30 йилдан ортиқ вақт давомида фавқулотда вазият ҳолатида яшаган, шунингдек, амалдаги ҳокимият томонидан 2007 йилда Конституцияга ўзгартириш киритиш орқали мамлакатда диний негиздаги партиялар фаолиятининг тақиқланиши мамлакат аҳолисида тушкунлик кайфияти ва ҳукмрон табақага нисбатан ишончсизликни уйғотди. Мамлакатдаги ғоявий-сиёсий муҳит устидан бюрократик назорат, нафақат сиёсий, балки маданий ҳаётта ҳам турғунликни вужудга келтирди¹. Мамлакатдаги доимий босим аҳолининг сайловларда қатнашиш даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, 2005 йил парламент сайловларида мамлакат аҳолисининг фақатгина 28% и, президентлик сайловларида эса 24% и иштирок этди². Бу кўрсаткичлар нафақат мамлакат аҳолисининг сиёсий ҳаётта пассив иштирокидан,

¹ Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Под ред Курягина С.-М.: МОФ ЭТЦ.- 2011. - С.178.

² Там же.

шунингдек, аҳолининг деярли барча қатламларида амалдаги режимга қарши норозилик шаклланаётгани ва бу норозилик бир кун келиб юзага чиқишини исботлади.

Юқорида келитирилган оғир вазият 2008-2009 йилларда кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан ёмонлашди. Мисрнинг диверсификациялашган иқтисоди ҳам иқтисодий кўрсаткичлар пасайишидан азият чекди. Масалан, дунёда дон маҳсулотларига талабнинг камайиши (минтақа дон маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллайди), туристик оқимларнинг кескин камайиши, мамлакат ичида ва ташқарисида ноқонуний ишчи-иммигрантлар сонининг ортиши ва иқтисодиётга миллий ва хорижий инвестицияларнинг кам кириши мамлакатдаги вазиятни янада оғирлаштирди. Шунингдек, низолар жамият ва ҳукумат орасидагина эмас, амалдаги ҳукмрон табақа ва иқтисодий манфаат гуруҳлари ўртасидаги ихтилофларни вужудга келтирди.

Юқорида келтириб ўтилган очик сабабларга туртки берган ва уларни оммавий норозиликлар ва режимни қулатишгача олиб келган ёпиқ сабаблар очик сабабларнинг давоми уларни кўзғатувчи куч сифатида намоён бўлган. Масалан, мисрлик ёшларни оммавий намоишларга интернет ва норасмий ижтимоий тармоқларда амалдаги тузумга қарши чорлаган фақат мисрлик ёшларнинг ўзи эмас эди. Googlening Яқин Шарқ бўлими топ-менежери Ваэл Гоним ғарб ОАВларига берган интервьюсида Facebook ижтимоий тармоғида “Муборак режимга қарши” саҳифасини юритгани ва бундан асосий мақсад Ҳ.Муборак режимини ағдариш бўлганини айтган¹. Бундай фактлар амалдаги режимга нисбатан ғарбнинг ёки бошқа структураларнинг аралашуви ҳақида гапирмайди, лекин биз бундай аралашув бўлганини инкор этолмаймиз.

МАР шартли равишда 4 қатламга ажратадиган бўлсак, биринчи қатлам бу- Муборак ва унинг атрофидагилардан ташкил топган сиёсий ҳокимият вакиллари, иккинчи қатлам-мамлакатда тинчликни сақлаб турувчи кучлар,

¹ Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Под ред. Курягина С.-М.: МОФ ЭТЦ.-2011. - С.117.

яъни ҳарбийлар, учинчи қатлам-мамлакатнинг европалашган қисми, тўртинчи қатлам-мамлакатнинг қуйи қимслари яни консерватив фикрли кишилар. Мисрда сиёсий ҳокимият ва президент хавфсизлигини таъминловчи энг муҳим қатлам бу албатта, иккинчи ҳарбийлар қатлами эди. Бу қатлам ҳар қандай халқ қўзғалонини ёки оммавий тартибсизликларни бостириши керак бўлган структура бўлиб, Миср замонавий тарихида бу қатламни сиёсатда ўрни катта бўлиб келган. Лекин, мамлакатнинг коррупцияга ботиши натижасида бу қатламнинг ташқи таъсирга учраши онсонлашиб кетди, яъни коррупциядан келган даромадни мамлакат ташқарисида оффшор зоналарда сақлаш ва яшириш керак эди. Барча оффшор зоналар ва халқаро банкларнинг ғарбда жойлашганини инобатга олиб маълумотлардан онсонлик билан эгаларига қарши фойдаланилгани ҳақида айтиш мумкин. Миср оппозиционерлари ҳам ҳарбийлар қаршилигини қайтаришда хориждаги структуралардан ёрдам сўраган¹. Миср ҳарбийларининг режимни ҳимоя қилиб оппозицияга қарши курашни эмас, мамлакатдаги тартибсизликларда амалдаги ҳокимиятга қарши иштирок этиши юқорида қайд этилган очик сабабларнинг ёпиқ сабаблар билан боғланиб кетганини кўрсатади.

Яна бир шундай боғлиқликни “Мусулмон биродарлар” мисолида кўриш мумкин. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали Миср аҳолисининг катта қисми ларзага келди. Лекин, бундай замонавий технологиялар мамлакатнинг консерватив қисмига таъсир қилиши қийин эди. Шу мақсадда энди бошқа механизмлардан фойдаланилди. “Мусулмон биродарлар” мамлакатнинг энг консерватив кайфиятдаги қисмини амалдаги тузумга қарши қўя бошлади. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, дунёвий режимдаги Муборак режими кулаб ўрнига фундаменталистик қарашли “Мусулмон биродарлар” ҳокимият тепасига келди.

¹ Там же. С. 129.

МАР сиёсий режими трансформациясини вужудга келитирган яширин (латент) сабалар эса минтақани демократлаштириш ғоялари билан боғлиқ. Бу минтақада демократлашув масалаларини НАТО, ЕИ, АҚШ каби ташқи ўйинчилар ўз ташқи сиёсий фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида қараган. Лекин, минтақани демократлаштириш минтақадаги кучли авторитар тузумли давлатлардаги қаршилик ҳисобига қийинлашган. АҚШнинг “Қатта Яқин Шарқ” лойиҳаси ҳам деярли барча араб давлатлари раҳбарлари қаршилигига учраган. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози минтақада демократлашув жараёнларини доимий молиялаштиб турилишини қисқартирди. Хусусан, Мисрда мавжуд бўлган амалдаги ҳокимият ва ҳарбийлар уюшқоқлиги демократияни ташқаридан олиб кириш имкониятини яратмаган. Араб демократлашуви тўлқинлари аҳолининг энг қуйи қисмларидан бошланиб, энг юқори қисмларигача қамраб олинди. Шунинг учун ҳам, араб кўзғалонларида асосий талаблардан бири бу авторитаризмга қарши кураш, демократия ва инсон ҳуқуқлари бўлди. Энди асосий эътибор минтақа мамлакатларини ичкаридан кўтарилишига замин яратишга қаратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳаракат 6 апрель воқеаларидан сўнг оммавий сиёсий бўйсунмаслик ва режимни ағдариш ҳаракатига айланди. Яқин Шарқда демократлашув жараёнлари ҳам ички ҳам ташқи тайёргарлик ва комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, бу ўзгаришлар Мисрда аввалги режим даврида сиёсий оппозиция мақомига эга бўлган кучларни ҳокимиятга яқинлашишига ёрдам берди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мисрда амалдаги ҳокимиятни ағдарилиши қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- амалдаги ҳукмрон тузумнинг оппозицияни йўқ қилиб юборгани орқали реал ички курашларга тайёр эмаслиги;
- мамлакатнинг ташқи хавфларга тайёр эмаслиги, хусусан, информацион урушни бой бергани;

- амалдаги тузумнинг узок вақт давомида ҳокимият тепасида тургани ва мафкурасининг эскиргани;
- мамлакат ёшлари орасида амалдаги тузумга қарши норозилик кайфияти; ёшларнинг тараққиётнинг Миср моделидан кўра ғарб моделига кўпроқ монандлиги;
- тўлқинланишлар пайтида ҳарбий кучларнинг ҳокимиятга қарши оппозиция тарафга ўтиб кетиши;
- мамлакатда узок муддат давомида диний партиялар ташкил этиш таъқиқлангани оқибатида, “Мусулмон биродарлар”нинг тартибсизликлар даврига келиб тўла шаклланиб улгурган оппозицияга айлангани;
- мамлакатнинг бир вақтнинг ўзида ҳам либерал (Конституция, президентлик институти, парламент ва бошқ) ҳам авторитар (30 йилдан ортиқ Ҳ.Муборак ҳукмронлиги) тизимда ривожлангани ва бу тизимларнинг тор доира манфаатларига хизмат қилиши;
- мамлакатда узок давом этган турғунлик даври, яъни ғавқулотда ҳолатдан аҳолининг “чарчаши”, сиёсий янгиликларни кутиши.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, МАР ўта мураккаб ҳам ички ҳам ташқи жараёнлар кечгани ва бу жараёнларда иштирок этувчи акторлар сони ва ролининг ҳилма-ҳиллигини келтириш мумкин. Минтақадаги энг асосий давлатлардан бири сифатида МАР бўлиб ўтган ўзгаришлар бошқа давлатларга ҳам таъсир кўрсатгани бу мамлакат сиёсий тузumi трансформациясининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунингдек, МАРнинг минтақадаги калит мамлакат экани, яъни географик, геосиёсий, демографик ва маънавий соҳаларда етакчилик ролини инобатга олиб айтиш мумкинки, бу мамлакат ичкарасидаги ўзгаришлар мамлакат ташқарисига тўғридан-тўғри кўчиш эҳтимоли жуда юқоридир.

Миср сиёсий тарихини кузатадиган бўлсак, унда ҳокимият тепасига келган ҳар бир президентнинг ўзига хос ички ва ташқи сиёсатига гувоҳ

бўламиз. Таниқли ўзбек диншунос олими, А.Ҳасановнинг фикрига кўра, Мисрнинг барча президентлари (М.Мурсийдан ташқари) ҳарбийлардан ташкил топганига қарамай, ҳар бир президентнинг ўзига хос сиёсий курси мавжуд бўлган. *(Илова 2)* Масалан, мамлакатдаги исломий кучларга нисбатан Ж.А.Носир ўта қаттиқ сиёсат олиб борган. У мамлакат ичидаги барча исломий партиялар фаолиятини чеклаган. Натижада барча диний партиялар ноқонуний фаолият олиб бориб мамлакат ички барқарорлигига хавфи ортиб кетган. А.Саадат эса Ж.А.Носирдан юмшоқроқ сиёсат олиб бориб, у партия ва ҳарбийлар ўртасида кўптомонлама фаолият олиб борган. Ҳ.Муборак ҳам Ж.А.Носир сиёсий анъаналарини давом эттириб барча диний негиздаги партияларга қаттиқўллик билан муносабатда бўлган. Айтиш керакки, фақат А.Саадат президентлик даврида “Мусулмон биродарлар” сиёсий партия эмас ҳаракат деб тан олинган. Миср сиёсий тарихи шуни кўрсатиб турибтики, мамлакат ичида 80 йилдан бери фаолият олиб бораётган “Мусулмон биродарлар” фаолияти ноқонуний деб тан олингани ва таъқиқлангани билан кенг халқ оммаси орасида салмоқли ўринни эгаллаган. Қизиқарлиси, радикал, фундаменталистик кайфиятдаги “Мусулмон биродарлар”ни ҳатто бугунги кунда ҳам Миср аҳолисининг ёшлар қатлами, айниқса талабалар катта қўллаб-қувватламоқда.

Юқорида келитириб ўтган фикримизга хулоса сифатида айтиш мумкинки, Миср сиёсий режими ўзгариши кўкқисдан, кўшни мамлакатлардаги воқеалардан илҳомланиб вужудга келган эмас. Бу норозиликлар тўлқини йиллар давомида шаклланган мамлакат ичкарасидаги мураккаб сиёсий вазият натижасидир.

Биринчидан, мамлакат сиёсий партияларининг кучсизлиги, уларнинг ҳокимиятда ва халқ орасида етук сиёсий қудратга эга эмаслиги мамлакатда “Мусулмон биродарлар” каби ноқонуний кучнинг сиёсий сахнага чиқишига замин яратиб берди. Диншунос олим А.Ҳасановнинг фикрича, мамлакатда сиёсат заифлашса дин омили кучаяди. *(Илова 2)* Ҳақиқатдан ҳам, Миср ички

сиёсий ҳаётида етук сиёсий оппозициянинг мавжуд эмаслиги, партияларнинг халқ кўз ўнгида тўлақонли ҳокимиятга эришмагани, биринчидан, ноқонуний диний ҳаракатлар (Мусулмон биродарлар, салафийлар) фаолиятини авж олдириши ва уларни ҳокимиятга етаклаб келди. Иккинчидан, ҳақиқий сиёсий оппозициянинг йўқлиги мамлакатдаги амалдаги режим учун ҳам рақобат муҳитига дош беролмаслигини кўрсатди.

Мисрда бўлиб ўтган сиёсий ғалаёнларнинг яна бир муҳим сабабларидан бири кенг халқ оммасини баландпарвоз шиорлар билан чалғитилганидир. “Мусулмон биродарлар” ҳокимият тепасига келиш учун “Мусулмон биродарлар халқ ҳаракатидир” шиорлари билан чиқиб, ҳақиқий муаммолардан кенг халқ оммасини чалғитди. Аслида, Мисрдаги кўзғалишларнинг асосий ички ташкилотчилари либерал қарашли ва демократик ўзгаришларни талаб қилувчи революцион кайфиятдаги дунёвий гуруҳлар эди. “Мусулмон биродарлар”нинг ташаббусни ўз қўлига олиши революцияларни бошлаган ва актив тарғиб қилган қатламни четга суриб қўйди.

3-БОБ. ЗАМОНАВИЙ МАР СИЁСИЙ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

3.1 МАРнинг сиёсий истиқболини белгилаш жараёнига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар

Бугунги кунда МАР ўтиш даврини бошидан кечираяпти. Кейинги йўналиш векторлари бир қанча ўзгарувчан омиллар билан белгиланади. Бу омилларни шартли равишда ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин. Мисрдаги демократизация тўлқини ҳам ички ҳам ташқи босим остида содир бўлганини инобатга олиб, айнан шу босимни вужудга келтирган кучлар МАРнинг кейинги сиёсий истиқболини белгилаш жараёнида актив иштирок этади дейиш мумкин.

Бугунги кунга қадар илмий муомалада халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тушунчаси мавжуд. Яъни, миллат ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши деганда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи: мустақил давлат ташкил этиш, сўнгра мустақил давлатга қўшилиш ёхуд у билан бирлашиш ёки бошқа ҳар қандай сиёсий мақом ўрнатиш кўзда тутилган¹. Кўриниб турибтики, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши бу сиёсий-ҳуқуқий тушунча бўлиб, бунда халқ ёки миллат янги суверен бирликни ташкил этади. Ушбу битирув малакавий ишида назарда тутилган сиёсий истиқболни белгилаш тушунчаси эса фақат сиёсий нуктаи назардан талқин этилиши мумкин. Сиёсий истиқболни белгилаш деганда жамиятдаги омма ва элиталар гуруҳлари томонидан стратегик мақсадлар ва йўналишларнинг танланиши ва белгиланиши, шунингдек, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи сиёсий тараққиёт параметрларини белгилашда

¹ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик.-Т., Адолат, 2006. - Б.79.

ифодаланади¹. Ўз сиёсий истиқболини белгилаётган давлат ўз тақдирини белгилаётган халқдан фарқли равишда суверенитетга эга бўлади, сиёсий истиқболни белгилаш бу мустақилликни қўлга киритиш билан чекланиб қолмай, жамият томонидан ички тараққиёти стратегияси танлаш ва давлатнинг жаҳонда тутадиган ўрнини белгилаш билан ифодаланади. Бундай жараёнлар бир текис ва бир маромда кетмайди, чунки бу жараёнларга объектив ва субъектив хусусиятга эга ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади МАР ўз сиёсий истиқболини белгилашига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсир этиши спецификасини очиб беришдан иборат.

Миср сиёсий истиқболини белгилашга таъсир этувчи ички омиллар гуруҳини мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий йўналишларини белгилашда фаол иштирок этадиган сиёсий акторлар позициясини очиб бериш билан ифодалаш мумкин. Бу сиёсий акторлар гуруҳига Миср давлати ва унинг сиёсий элитасини киритиш мумкин. Лекин, мамлакатнинг ўзига хос спецификасидан келиб чиқиб шуни айтса бўладики, Миср давлати ва унинг сиёсий элитаси бу ягона бир бутун нарса эмас. Шунингдек, бу жараёнларда субъект эмас, объект вазифасини бажараётган Миср жамияти ҳам мавжуд. Ҳатто, революциялар тўлқини амалдаги ҳокимиятни ағдарганидан кейин ҳам Миср сиёсий элитасининг ичида ягона позиция мавжуд эмас эди, натижада давлат бир қанча манфаат гуруҳлари ҳокимиятга босим ўтказа бошлади. Бу манфаат гуруҳларига “Мусулмон биродарлар” бошчилигидаги диний-сиёсий ҳаракатни, фундаменталистик кайфиятдаги салафийларни, амалдаги муваққат ҳокимият тепасидаги ҳарбийларни, бугунда озчиликни ташкил этаётган дунёвий тузум тарафдорларини ва Ҳ.Муборак элитасига тегишли бўлган жамоаларни киритиш мумкин. Бугунги кунда Миср сиёсий элитасининг ўзи ҳам турли хил ғоявий ва сиёсий оқимларга тегишли гуруҳларга бўлиниб кетган бўлиб, уларнинг манфаатлари тўқнаш

¹ Пантин В.И. Политическое самоопределение России в современном мире: основные факторы, тенденции, перспективы. М.: Аспект пресс, - 2011. - С.45.

келаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу тўқнашувларда энг катта 2 асосий гуруҳ, яъни ҳарбийлар ва исломийлар ҳокимият учун бўлган курашда бир-бирига асосий рақиб ҳисобланади. Бундан ташқари, бугун Миср истиқболини белгиловчи ички субъектлар ташқи таъсир остида бўлиб, ғарб ва бошқа ташқи ўйинчилар бугунги кунда нафақат, ташқи омил, балки ички субъектларга таъсир этувчи омил вазифасини ҳам бажармоқда. Шунинг учун ҳам, ички субъектларнинг ташқи субъектлар манфаатлари билан мос келмаган ҳолатларда ҳокимиятда қайта-қайта алмашинишлар тўлқини кузатишмоқда. Миср сиёсий элитасининг истаса истамаса кенг омма фикрини эшитишга мажбурлиги ва аҳолининг энг мобил қатламлари, хусусан, ёшларнинг актив позицияси ҳокимият юқориси ва аҳолининг ўрта ва қуйи қатламлари ўртасида ихтилофларни вужудга келтиряпти. Масалан, Муҳаммад Мурсий ва “Мусулмон биродарлар” бошчилигида ҳокимиятнинг диний йўналишни танлаши мамлакатда кучли норозилик кайфиятини вужудга келтирди. Бугунда Мисрда юзага келган вазиятни баҳолайдиган бўлсак, демократлашув жараёнларини ёқлаб чиққан аҳолининг хоҳиш-истаклари ва ҳокимиятга келган исломийларнинг сиёсати ўртасида ихтилофлар вужудга келди. Шунингдек, сиёсий элита ичидаги бўлинишлар, яъни исломийлар ва ҳарбийлар манфаатларининг мос келмаётгани мамлакатда кечаётган жараёнлар ўта чигал ва қийинлигидан далолат беради. Чунки, оммавий норозиликларни дунёвий оппозиция вакиллари бошлагани билан, ҳокимият тепасига исломийлар келди ва узоқ муддат ўтмасдан айнан шу ҳокимият яна ҳарбийлар қўлига ўтди.

Мисрда кечаётган сиёсий жараёнларни ҳаққоний баҳолаш учун яна бир муҳим омил-ислом омилини киритиш лозим. Чунки, араб баҳори натижаларига кўра Ҳ.Муборакнинг дунёвий режими қулаб, нодемократик деб топилди, оммавий намоишлар натижаларига кўра эса “Ислом ҳар масаланинг ечими” деган доктринани илгари сурадиган “Мусулмон биродарлар” ўз концепциясини ўзгартириб “Адолат ҳар нарсага мезон”

шиорини илгари сура бошлади. Мисрдаги сиёсий ўзгаришлар дунё амалиётида ҳали кузатилмаган исломийлик ва демократия қоришмасини вужудга келтирди. Исламийлик бу барча секуляр сиёсий тизимлар, ижтимоий-сиёсий дастурлар ва мафкураларга қарши турувчи куч¹ эканлигини инобатга олсак, демократиянинг бу ҳодиса билан билан қўшилиб бир бутунликни намоиш этиши янгилик ҳисобланади. Чунки исломизм демократлашаётган исломга, янгиланаётган ва секуляр исломга қарши турувчи куч ҳисобланади². Миср учун диний ва сиёсий негизларнинг билашуви хавфли эмас, балки бу бирлашувдан ҳокимиятнинг қайси йўналишда ўзгариши масаласи баҳсли ҳисобланади. Кўп мамлакатларда сиёсий ислом ўзининг замонавий реалияларга мослашувчанлиги кўрсатди, лекин Мисрда бундан бошқача вазиятни кузатиш мумкин. Демократлашув жараёнларини бошдан кечиргандан кейин ҳам Миср аҳолиси тўлалигича демократик қадриятларни қабул қилиш иштиёқи йўқ. Мисрда ҳудди Ҳ.Муборак режими давридагидек авторитаризм ва либерал бошқарув элементлари уйғунлиги сақланиб қолган, фақат, бу тушунчалар мутаносиблиги ўзгарган. Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра, Мисрда ҳокимият тепасига келган исломийлар ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун нодемократик методлардан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, рус исломшуноси А.А.Игнатенко фикрига кўра, “Бугунги кунда Мисрда “Мусулмон биродарлар” га қарши турувчи улардан ҳам қаттиқ куч- исломий салафийлар мавжуд. Улар демократиядан оқилона фойдаланиб парламент сайловларида иштирок этишлари билан бирга, демократияни ғарб ҳодисаси сифатида инкор этадилар”³.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бугунги кунда Миср сиёсий саҳнасида қуйидаги гуруҳлар асосий ўйинчилар сифатида чиқди:

¹ Игнатенко А.А. Ислам и политика: Сборник статей. - М.: Институт религии и политики. 2004. - С.41.

² Там же.

³ Игнатенко А.А. Одноразовая демократия для Египта // НГ-Религии. 18.01.2012.

- босиқ исломий ташкилотлар ва ҳаракатлар. Уларнинг асосий мақсади жамиятни ислом нормалари асосида модернизациялашдир. “Мусулмон биродарлар” (олий раҳбар – Муҳаммад Бадий) ва уларнинг сиёсий қаноти Озодлик ва адолат партияси (биринчи раҳбар–Муҳаммад Мурсий) босиқ исломийларни ташкил қилади.
- Радикал исломий гуруҳлар(салафийлар). Шариат нормалари асосида исломий давлат қуриш талаби билан чиқган. “Ан-Нур” (раҳбар–Имад Абдул Ғофур) ва “Ал-Асала” (раҳбар–Одил Абдул Максуд Афибий).
- Икки дунёвий гуруҳлар: биринчи гуруҳ-ҳарбийлар ва куролли кучлар бирлашмалари. Иккинчи гуруҳ-оммавий революцияларни ташкиллаштирган либерал ва демократик доиралар. Уларнинг асосий талаби диний давлат қуришдан воз кечиш ва дунёвий тараққиёт йўлини танлаш. Дунёвий тараққиёт тарафдорлари: “Миср Конгресси”, “Ад-Дустур” (“Конституция”), “Революцион ёшлар коалицияси”, “25 январ ёшлар ҳаракати”, “6 апрел ҳаракати”, “Янги Вафд» ва “Ал-Гад”¹.

Шунингдек, Ҳ.Муборак тарафдорларидан иборат бўлган Миллий демократик партия аъзолари Миср фукаролар партияси ва Бирлик партияси, Миср миллий партияси ва Миср тараққиёти партияси сафларига қўшилган.

Миср сиёсий истиқболини белгилашда иқтисодий омил ҳам муҳим ҳисобланади. Диншунос олим А.Ҳасановнинг фикрича, Миср араб дунёсининг тенг ярмини ташкил этади. Яъни, Миср аҳолиси Яқин Шарқдаги араб миллатининг тенг ярмини ташкил этади. Бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш кун тартибидаги энг долзарб масала бўлишидан далолат беради(Илова 2). Фикримизча, Миср сиёсий истиқболи

¹ Демченко А. Египет на пути к трансформации политической системы // [Электронный ресурс] http://www.perspektivy.info/oykumena/vostok/jegipet_na_puti_k_transformacii_politicheskoy_sistemy_2013-01-29.htm - (дата обращения: 15.03.2014)

фақатгина барқарор иқтисод бўлгандагини таъминланиши мумкин. Ўз навбатида, мамлакат ичидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви турли радикал, фундаменталистик ҳаракатлар авж олишига олиб келиши ва малмакатни фуқаролик уруши ҳолатига келтириб қўйиши мумкин.

Миср сиёсий истиқболини белгилашда бевосита ва бивосита таъсир этувчи кучларни ўрганиш ҳам муҳимдир. Бу ташқи кучларни минтақавий ва халқаро кучларга бўлиш мумкин. Минтақавий жараёнларда Туркия, БАА, САП, Қатар, Эрон каби минтақавий ўйинчиларнинг активлиги, минтақада ўз иқтисодий ва ташқи сиёсий манфаатларини амалга ошириш мақсадида “нодўстона режимлар”ни кучсизлантириш ва ёқотиш ва ўз “дўстлари”га ёрдам бериш билан изоҳланади¹.

МАРда сиёсий вазиятнинг беқарорлашуви кўпчилик минтақавий акторларга самара берди. Минтақадаги Туркия, САП, Қатар, Қувайт каби давлатлар Араб баҳоридан ўзига максимал фойда олиб чиқди дейиш мумкин. МАР ичидаги беқарор вазият туфайли мамлакат эндиликда Судан, Ливан, Яман ва Фаластиндаги низолар бўйича актив иштирок этолмай, бу низоларни бошқа минтақавий акторлар хоҳиш-истакларига монанд хал этилишига замин яратди. Яъни, САПнинг минтақада сунний альянси сардори сифатида намоён бўлиш истаги олдиндан МАР каби минтақавий сиёсати кучли давлат томонидан бостириб келинган. Шунингдек, МАР ҳарбий кучлари САП ҳарбий кучларига нисбатан яхши тайёргарликка эга ва сон жиҳатдан кўп бўлгани, Миср сиёсий элитаси билан ҳарбийлар ўртасида алоқалар мустаҳкамлиги САПнинг ўз ички сиёсатида кучли ҳарбий қўллаб-қувватлашга эга бўлмаганида намоён бўлди. Шунга қарамай Саудия Арабистони ўзининг стратегик ҳамкорлари ва ғарб структураларини Мисрда тобора авж олаётган ғалаёнларни қўллашга чақириб борди. Худди шундай позицияни Қатар ҳам қўллаб, “Ал жазира” каналини ташқи сиёсий

¹ Политическая наука: Науч. журн. / РАН. ИНИОН. Центр социал. науч.-информ. исслед. Отдел полит. науки; Росс. ассоц. полит. науки; Ред. Кол.: Мелешкина Е.Ю., гл. ред., и др. – М., 2012 - №3: Политические режимы в XXI веке: Институциональная устойчивость и трансформации / Ред.-сост. номера Панов П.В., Харитонов О.Г., - С.165

мақсадларини амалга оширишда куrol қилиб олди. Канал Араб баҳори тафсилотларини ўта радикал нуқтаи-назардан ёритиб Мисрдаги вазиятни кескинлашувини таъминлади. Қатар ғарбдаги ҳамкорлари, хусусан Франция орқали Шимолий Африка давлатларига нисбатан уруш эълон қилишга эришди. Қатарнинг сиёсий мақсадлари, албатта, унинг молиявий ресурсларига таянади. Худди шундай ресурслар орқали Қувайт давлати ҳам Араб баҳорида ўз мавқеига эга бўлиб олди. Юқорида келтирилган давлатлар тўғридан-тўғри МАРда бўлиб ўтган кўзғалишларга алоқадор бўлиб, бу демократлашув жараёнларининг асосий молиялаштирувчилари ҳисобланади. Лекин, Қатар ва САП кўзғалонлардан кутган мақсадлари турлича бўлиб, Қатар учун революциялар якунига кўра Қатарга ён босувчи босиқ исломийлар ҳокимият терасига келиши мақбул бўлган бўлса, САП унинг минтақавий етакчилигига қарши бўлган тузумларни ёқотиш ва Яқин Шарқда янги таъсир дориалари чегараларини белгилаш тарафдори бўлди. Мисрда бўлиб ўтган сайловлар натижасида ҳокимият тепасига “Мусулмон биродарлар”нинг келиши САП учун Қатар манфаатларининг биринчи ўринга чиқиши ва қалит давлат Мисрда қатарпараст ҳукумат шаклланишини англатар эди. Лекин, Миср ҳокимияти тепасига 3 июль воқеаларидан кейин ҳарбийларнинг келиши САПни Мисрда манфаатларини тарғиб қилишига йўл қўймади. Ҳокимият тепасига келган ҳарбий генералитет бир вақтнинг ўзида ҳам минтақавий уйинчилар (Саудия Арабистони, Қатар, Исроил) ҳам халқаро ўйинчилар (АҚШ, Россия, ЕИ) билан кўптомонлама сиёсат юритиш тактикасини қўллади. Бундай ташқари ҳарбийлар мамлакат ичидаги турли гуруҳлар (салафийлар) билан ҳам келишувга эришди.

Минтақадаги халқаро акторларга келадиган бўлсак, бугунги кунда АҚШ, ЕИнинг минтақада билвосита иштироки ва вазиятни назорат қилишини кузатиш мумкин.

АҚШнинг минтақада ҳаётӣ муҳим манфаатлари бўлиб, бу манфаатларни амалга оширишда унинг уч асосий йўналишдаги фаолиятини кўриш мумкин:

- АҚШ Катта Яқин Шарқда вазиятнинг ўта ёмонлашиб кетишни ҳоҳламайди. Бундай инқироз минтақада кучлар мувозанатининг ўзгариши ва янгитдан ўйин қоидаларини ташкил этишни талаб қилиши мумкин. Бундай талаблар албатта, АҚШ минтақада эгаллаган позициясига салбий таъсир кўрсатиши ва бошқа минтақавий ва халқаро кучларга АҚШ каби ҳукмрон позицияни эгаллаши истагининг пайдо бўлишида кўриниши мумкин. Охириги йилларни кузатадиган бўлсак, АҚШ минтақада катта ёқотишларни бошдан кечирди, бу ёқотишларга Мисрнинг ҳам қўшилиши АҚШ учун номақбул ҳолат ҳисобланади.
- АҚШ ҳар қандай вазиятда ҳам очик ҳарбий аралашув ва қўшин киритишни ҳоҳламайди. Минтақа шу даражада конфликт ўчоғига айланганки, биро бир давлат ёқи локал конфликт глобал ҳаракатер касб этиши мумкин. Миср минтақадаги асосий калит давлат сифатида қўшни давлатлар ва минтақаларга ўз таъсирини ўтказиши ва мамлакат ичкарасидаги беқарор вазият ташқарига кўчиши мумкин.
- АҚШ минтақа давлатлари устидан геоиктисодий назоратни сақлаб қолиш ва минтақадаги углеводород захираларига бошқа даъвогар мамлакатлар чиқишидан хавфсирамоқда. Бундан ташқари минтақа давлатлари ҳокимияти тепасига келадиган янги элиталар амалдаги геоиктисодий тизимдан воз кечиши АҚШ учун ўта хавфли вазият ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, Мисрдаги жараёнлар ривожӣ ғарб элиталарининг туб манфаатларига таъсир этади. Сўнгги йилларда минтақада, хусусан Мисрда босиқ исломийларнинг катта ҳокимиятга эришиши АҚШ ва ғарб

дунёсининг бу гуруҳларга нисбатан муносабатини ўзгартиришга мажбур қилди. Иккинчи тарафдан, АҚШ Туркияда Н.Эрдоган ҳокимият тепасига келишини қўллаб минтақада бошқа давлатлар эмас, айнан Туркия етакчи куч бўлиши қаратилган чораларни амалга оширди. Ғарб элиталари минтақада МАР, САП, Туркия, Форс кўрфази араб давлатлари альянсини ташкил этиш ғояларини илгари суриб, Эронга қарши коалицияни шакллантирмоқчи бўлди. Шунинг учун ҳам Мисрда ҳокимият тепасига “Мусулмон биродарлар” келиши АҚШ учун мақбул вариант деб топилди. Минтақада сунний-шиа қаршилигини яратиш ва минтақа мамлакатларининг бир бир билан айирмачилик ҳаракатини тарғиб қилиш билан шуғулланган АҚШ уч фронтдан(сунний, шиа, яхудий) туриб минтақада ҳамманинг ҳаммага қарши урушини назорат қилиб келмоқда.

Мисрдаги июль норозиликларидан сўнг АҚШнинг ислом дунёси билан яқинлашиш сиёсати унинг ўзи учун қийин вазиятни вужудга келтирди:

Биринчидан, АҚШ минтақада, хусусан Мисрда исломий ҳаракатларнинг янада радикаллашувига қарши етарли чоралар кўра олмади ва натижада исломийлар ҳокимиятдан маҳрум бўлди.

Иккинчидан, исломийларнинг ҳокимиятдан четлаштирилишида АҚШнинг ҳам билвосита иштироки бўлиб, агар узоқ ёки яқин келажакда исломийлар ҳокимият тепасига қайтса, улар ҳақиқатда ғарбига ва АҚШга қарши сиёсий курс билан қайтади.

Учинчидан, АҚШ сунний давлатларни шиа давлатларига қарши қўйиш сиёсати бугунда минтақада сунний-шиа қаршилиги билан бирга, бу икки оқимнинг АҚШга қарши қаратилган норозилик ҳаракатини вужудга келтирди.

Минтақада ғарб манфаатларига қарши вужудга келаётган тизимли бетартиблик ҳолати кундан-кунга бошқариш қийин ва мушкул вазиятни вужудга келтирмоқда.

Юқорида қайд этилган ички ва ташқи омиллар МАР сиёсий келажагига тўғридан-тўғри таъсир этиб, унинг ҳам ички ҳам ташқи сиёсатини белгилашда қийинчиликларни вужудга келтиради.

3.2 Замонавий босқичда МАР ички ва ташқи сиёсий йўналишларни белгилашнинг асосий тенденция ва истикболлари

2014 йил май ойига белгиланган президентлик сайловлари натижалари мамлакат сиёсий келажаги ҳақида башорат қилиш имконини яратади. Хозирдан аёнки, президентликка номзоди қўйилган шахслардан фақат Абдул Фаттоҳ ас-Сисийнинг ҳокимиятга эришиши равшан ҳодисадир (*Илова 2*). 2014 йилнинг 25 май санасида бўлиб ўтадиган президентлик сайловларидан сўнг парламент ва маҳаллий сайловлар бўлиб ўтиши аниқ бўлса ҳам бу сайловларда ҳарбий генералитетнинг мутлақ устунлиги таъминланиши эҳтимоли жуда юқоридир. (*Илова 2*). Бўлажак президентнинг ички сиёсати авторитаризм элементларисиз бўлиши мумкин эмас¹. Фақат, масала ҳокимиятга эришган ҳарбийларнинг авторитаризми демократия элементлари билан биргаликда амалга оширишидадир. Масалан, унчалик кучли бўлмаган оппозицияни шакллантириш, ОАВ эркинлиги ва сиёсий диссидентларни камоқдан озод қилиш ва бошқ. Бугунги кунга келиб эса мамлакатнинг олий ҳарбий элитаси мамлакат ичидаги вазиятни тўлалигича қўлига олди ва уни назоратини амалга оширяпти. Мамлакатнинг бугунги сиёсий ҳолати революциялар бошланган даврдаги ҳолатидан анча ёмон бўлса ҳам янги ҳокимият мамлакат ичкарасида ўз қудратини мустаҳкамлаб, пишиқ позицияга эга бўлиб бормокда².

¹ Агаджанян М. Предвыборный Египет: фактор Москвы против подмоченного лидерства США в ближневосточной игре // [Электронный ресурс]- <http://www.regnum.ru/news/polit/1798655.html#ixzz31sCdjTVm> - (дата обращения: 05.05.2014)

² Мюрид Эль. Ключ к востоку: термидорианский переворот в Египте // [Электронный ресурс]- <http://itar-tass.com/opinions/1936> - (дата обращения: 05.05.2014)

Хатто, бугунги кунда ҳам МАР армияси Яқин Шарқ минтақасидаги энг яхши тайёргарликка эга кучли армиялардан ҳисобланади. Миср армиясини позициясини янада мустаҳкамловчи омил бу уларга мамлакат ичида қарши тура оладиган куч “Мусулмон биродарлар”нинг бугунги кунга келиб ҳокимиятдан узоқлаштирилгани ва уларга четдан келадиган молиявий ёрдамнинг кескин қисқариб кетганидир. Бугунги кунда “Мусулмон биродарлар”нинг Миср армияси билан сиёсий курашга на объектив на субъектив имкониятлари мавжуд эмас¹. “Мусулмон биродарлар”нинг бугунги кунда мамлакат ички барқарорлигига салбий таъсир этиши унчалик ҳаққоний картина эмас. Чунки, бу ташкилотнинг бир гуруҳи сиёсий мақсадларидан воз кечди, яна бир гуруҳи ноқонуний ҳаракат олиб бормоқда, қолган босиқ аъзолари эса амалдаги ҳукмрон элита билан келишиш сиёсатини олиб бормоқда. Бу ташкилотнинг сиёсий келажаги ва мамлакат сиёсатидаги кейинги иштироки ҳақида шуни айтиш мумкинки, “Мусулмон биродарлар” эндиликда ҳокимият учун иккинчи даражали курашчилар мақомида фаолият олиб боради². Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “Мусулмон биродарлар” эни курашнинг тўғридан-тўғри ва очик усулларидан эмас, яширин усулларидан фойдаланади. Масалан, ёқотилган ҳокимиятни қайтариш мақсадида улар армияни исломлаштириш, ҳарбийларга ташқи кучлар (энг аввало Форс кўрфази монархиялари) орқали таъсир этиш ва фуқаролар ўртасида норозилик ва бўйсунмаслик актларини уюштириш тактикасини қўллашлари мумкин³.

Бугунги кунда мамлакат ҳокимияти учун курашда асоий даъвогар ҳарбий генералитет бўлиб қолмоқда. “Мусулмон биродарлар”нинг легитим эришган ҳокимиятидан чеклатилиши, фундаменталистик кайфиятдаги

¹ Сапронова М. Конфликты в Египте и Сирии: сходства и различия - мнения экспертов // [Электронный ресурс]-<http://www.vestikavkaza.ru/news/Konflikty-v-Egipte-i-Sirii-skhodstva-i-razlichiya-mneniya-ekspertov.html> - (дата обращения: 05.05.2014)

² Мюрид Эль. Ключ к востоку: термидорианский переворот в Египте // [Электронный ресурс]- <http://itar-tass.com/opinions/1936> - (дата обращения: 05.05.2014)

³ Сатановский Е. Египетская рулетка/ [Электронный ресурс]- <http://expert.ru/expert/2012/25/egipetskaya-ruletka/> - (дата обращения: 05.05.2014)

гуруҳлар билан ҳарбийларнинг келишувга эришиши мамлакатда ҳокимиятнинг ҳақиқий эгалаларини намоён қилди. Миср давлати революцион ҳолатдан барча гуруҳ ва қатламларни қониктирадиган сиёсий компромисслар йўлини эмас, легитим сайланган парламентни тарқатиш ва эски Ҳ.Муборак режимининг янгиланган талқинини вужудга келтирганини намоиш этди. Мамлакат ичидаги либерал ва исломий кучлар ҳарбийлар ҳеч қачон ҳокимиятдан онсонликча воз кечмаслигини англаб етдилар. Бу нафақат ички сиёсий йўналишлар, балки ташқи сиёсий йўналишларни белигашда ҳам ноаниқликларни вужудга келтирди.

Миср сиёсий истиқболи ҳақида сўз кетганда, унинг ички барқарорлиги ва жамиятнинг яхлитлиги масаласи олдинги ўринга чиқади. Жамият яхлитлигининг асосий элементларидан бири бу фуқаролик ҳокимияти органларини шакллантиришдир. Лекин, Миср замонавий ҳолатида бундай структураларнинг қурилиши ҳақида ҳокимиятга интилаётган ҳеч қайси гуруҳ сўз очаётгани йўқ. Шунингдек, эркин демократик сайловлар ҳам Миср демократлашуви учун қўйилган биринчи қадам бўлиши мумкин эди. Ҳақиқий вазият эса, ҳокимият тепасида фақат авторитар ёки ҳарбий раҳбарлар, ёки ҳам авторитар ҳам ҳарбий раҳбарлар бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Янги шаклланадиган ҳокимиятнинг ташқи сиёсий курси қандай бўлиши чуқур таҳлилани талаб этадиган масаладир. Бугунги кунда МАРда шаклланган ҳолат ҳам минтақавий ҳам халқаро кучларни қийин аҳволга солмоқда. САП ва Қатар каби минтақавий кучлар мамлакатда худди Ҳ.Муборак режимидек янги режим шаклланишига рози эмас. Минтақавий кучларнинг араб революцияларини қўллашидан асосий мақсад келажакда саудияпараст, қатарпараст ҳокимиятларнинг шаклланиши ва Мисрнинг минтақавий етакчи давлат мақомидан бутунлай воз кечиши истаклари эди. Худди шундай истаклар Эронда ҳам мавжуд эди, чунки Миср фаластин-исроил низоларини ҳал этишда минтақадаги асосий арбитр вазифасини ўтаган ва Эроннинг бу

масалани радикал йўллар билан ҳал этиш ғояларига қарши бўлган. Бугунги кундаги “Мусулмон биродарлар” ва Эроннинг Исроилга қарши биргаликда ҳаракати Эрон томонидан Миср ҳарбий ҳокимиятига эмас, “Мусулмон биродарлар”га ён босишини таъминламоқда. Ҳ.Муборак ҳам амалдаги ҳарбийлар ҳам Эронга нисбатан деярли бир хил унинг хоҳиш истакларини чеклаб турувчи сиёсат олиб борган. Ушбу Миср-Эрон-Исроил муносабатлари учбурчагида ўз навбатида Исроил бугундаги Миср ҳарбийлари ҳокимиятини кўллаб келмоқда. Исроил давлати учун унга тўғридан-тўғри хавф соладиган исломийлардан кўра ҳарбий авторитар режим тарафдори бўлган ҳокимият бирмунча мақбулроқдир. Лекин, бу қарашларда ҳам нисбийлик мавжуд бўлиб, бугунда Мисрнинг энг либерал раҳбарлари ҳам Кемп-Девид битимларини қайтадан кўриб чиқиш кераклигини айтмоқда. Исроли учун энг катта хавф бу Синай яриморилининг статуси ўзгариши масаласидир. Кемп-Девид битимларига кўра Синай демилитаризациялашган ҳудуддир. Мисрда ҳокимият тепасига ҳарбийларнинг келиши бу келишувни бекор қилиниши ва янги ҳолат вужудга келишини англатиши мумкин.

Замонавий Шимолий Африка ҳаритаси шуни кўрсатадики, Мисрда ҳокимият тепасига келадиган ҳарбийлар доимо ўз ҳокимиятини ушлаб туришга мажбур бўлади. Олим Е.Сатановский таъкидлашича, Мисрда Жазоир сценарийси такрорланиши мумкин¹. Яъни, ҳарбийлар ҳокимиятига қарши кўшни мамлакатларда ҳокимият тепасига келган исломий ҳукуматлар Миср ичкарасидаги исломий гуруҳларга ёрдам беради.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам оғир дейиш мумкин. Кундан кунга МАРнинг ташқи ёрдам ва ташқи аралашувга муҳтожлиги ортмоқда. Ҳ.Муборак даврида шаклланган мамлакатнинг 36 миллиардлик олтин-валюта захираларидан бугунги кунга келиб 21 миллиардини революциялар тугатиб бўлди. Мамлакат иқтисодига катта молиявий сармоялар киритишсиз

¹ Сатановский Е. Египетская рулетка / [Электронный ресурс]- <http://expert.ru/expert/2012/25/egipetskaya-ruletka/> - (дата обращения: 05.05.2014)

муаммони ечиш мумкин эмас. Лекин, Мисрнинг 80 миллионлик аҳолисини на АҚШ на САП таъминлашга қодир эмас¹.

Бугунги кунга келиб Миср-АҚШ муносабатлари истиқболи норавшанлигича қолмоқда. Лекин, ҳозирдан айтиш мумкинки, ҳарбий генералитет аввалгидек АҚШнинг энг асосий ташқи ҳамкор статусини сақлаб қолмайди. Мисрда ҳокимият тепасига ҳарбийлар келган тақдирда улар кўп векторли ва кўп акторли сиёсат олиб боришини башорат қилиш мумкин. Сўнгги йилларда АҚШ томонидан минтақада, хусусан Мисрда олдинги позицияларининг ёқотиши бу минтақада кучлар баланси янгитдан шаклланиши ва янги қоидалар киритилишидан далолат беради.

Бугунда Яқин Шарқда нафақат АҚШ, балки Россия Федерацияси ҳам янгитдан таъсир доиралари бўлинишида иштирок этмоқда. Минтақада вужудга келган вазият Россиянинг бу минтақада минимал иштирокини таъминлаган бўлса, бугунги кундаги вазиятнинг ўзгариши, хусусан Миср ташқи сиёсатининг шаклланаётган кўп векторли йўналиши Россиянинг минтақада қолиш имкониятларини яратмоқда. Рус олимларининг фикрига кўра, Россия Миср мисолида иттифоқчи бўлмаса ҳам жиддий ҳамкорни қўлга киритиши мумкин². Мисрдаги ҳарбий генералитет ўзининг прагматик сиёсат олиб боришини кўрсатди. Ўз ҳокимиятларини сақлаб қолиш мақсадида ҳарбийлар катта кучлар ўртасида кўп томонлама сиёсатни амалга оширишга мажбурлигини тушуниб етди³.

Мисрнинг яқин келажакдаги минтақавий сиёсати ҳам муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Миср билан қўшни мамлакатлардаги оғир вазият турли йўналишларда салбий натижалар кўрсатиши мумкин. Масалан, Миср, Тунис ва Ливия каби ноқонуний иммигрантлар учун аввалгидек кучли чегара ўрнатиши мушқил. Африка давлатларидан келаятган ноқонуний

¹ Сатановский Е. Египетская рулетка / [Электронный ресурс]- <http://expert.ru/expert/2012/25/egipetskaya-ruletka/> - (дата обращения: 05.05.2014)

² Мюрид Эль. Ключ к востоку: термидорианский переворот в Египте // [Электронный ресурс]- <http://itar-tass.com/opinions/1936> - (дата обращения: 05.05.2014)

³ Там же.

иммигрантлар Европа ва турмуш даражаси юқори Форс кўрфази монархиялари учун катта муаммога айланиши мумкин. Бундай вазият Миср ва Европа мамлакатлари, шунингдек, Форс кўрфази мамлакатлари билан қийин алоқаларни янада чигаллаштириши мумкин.

Бугунги кунда МАР ички сиёсий йўналишларини белгилашда қуйидаги алоҳида жиҳатларни инобатга олиш лозим:

- Ички сиёсий тартибот, энг аввало мамлакат ичкарасидаги турли хил гуруҳлар кайфияти ва манфаатларини инобатга олиш керак;
- Мамлакатда ислом омили ҳар доимгидан ҳам актуаллашиб кетган ва Миср кейинги сиёсий ҳаётида исломлашув тенденциялари кузатилади;
- Мамлакат ичкарасидаги гуруҳлар ташқи кучлар билан компромиссга келишиш ва ўз миллий манфаатлари ва ташқи кучлар манфаатлари ўртасида олтин ўрталикни топишга мажбур бўлади;
- Мамлакат иқтисодининг революция даврида кучсизланиши ҳокимиятнинг ташқи кучларга ён бериши ва кўп тарафлама сиёсат олиб боришини талаб этади;
- Мамлакатдаги норози аҳоли қатламларининг норозиликларини ёқотиш мақсадида демократик реформалар ва либерал кадриятларни жорий этилиши кузатилади;
- Мамлакат ички сиёсатида ҳарбийлар тартибни сақловчи ва жамиятни бирлаштириб турувчи асосий куч бўлиб қолади.

МАР ташқи сиёсий йўналишларини белгилашда қуйидаги муҳим омиллар мавжуд:

- Мамлакатнинг минтақада тутган ўзига хос ўрнидан келиб чиқиб, мамлакат ичидаги низолар қўшни давлатлар ва қўшни минтақаларга ҳам қўчиш еҳтимоли юқори бўлади;

- Мамлакат ташқи сиёсатининг асосий жиҳати минтақавий ва халқаро акторлар ўртасида кўпвекторли сиёсат олиб бориш билан белгиланади;
- Мамлакат ичкарасида ташқи кучлар томонидан ўз манфаатларини лоббилаштириш ҳаракатларини тўхтатиш учун ташқи сиёсатда ҳеч қайси ташқи кучга тўлалигича мойил бўлмаган тактикани қўллаш ва минтақавий балансни сақлаб туриш;
- Ислом радикаллашуви даражасини пасайтириш ва ушбу мақсадларда четдан келадиган ҳар қандай ёрдамга қарши кураш.

ХУЛОСА

Араб баҳори, хусусан, Мисрда қўзғалишлардан сўнг шаклланган сиёсий вазиятни англаш муҳим ҳисобланади. Авторитар режимга қарши либерал-демократик шиорлар билан бошланган революция бироз муддатдан сўнг контпродуктив натижалар бера бошлади. Авторитар режим қулаши билан мамлакатда сиёсий вакуум ҳолати юзага келди. Мамлакатдаги сиёсий вазиятга аҳолининг энг консерватив қисми ўз таъсирини ўтказиб, аввал талаб қилган либерал кадриятларга эмас фундаменталистик режимга эга бўлди. Қуйидаги омиллар аввалги режим ўрнига янгисини шакллантирди:

- Аҳолининг мобил ёшлардан иборат қисмининг шаклланганлиги. Бу ёшлар ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали дастлабки революцион ҳаракатларни бошлаган;
- Мисрда Ҳ.Муборак режими даврида ноқонуний ҳисобланган исломий ташкилотлар фаолиятининг радикал тус олиши ва оппозиция тарафга ўтиши;
- Мамлакат ички вазиятининг ёмон тус олишига ташқи кучларнинг таъсири ва ички ғалаёнларни домий молиялаштириб туриши.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти тепасида ҳарбийларнинг бўлиши “эски режим реставрацияси” деб қаралиши мумкин, албатта, лекин бошқа мамлакатлардан фарқли равишда армия жамиятнинг сиёсий ҳаётида доимо ижобий роль ўйнаган. Тарихдан кузатиш мумкинки, Миср сиёсий ҳаётида ҳарбийлар ўрни юксак даражада бўлган. Миср армияси мамлакатдаги энг уюшган, мобил ва маърифат даражаси баланд структуралардандир.

Миср сиёсий истиқболи ҳақида сўз кетар экан, мамлакатдаги амалдаги ҳокимият томонидан хавфсизликни таъминлаш масаласи устувор йўналиш қилиб олинганини айтиш мумкин. Демак, замонавий Миср учун ушбу босқичда демократик янгиланишлардан ҳам мамлакат ички барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим саналмоқда. Абдул Фаттоҳ ас-Сисий de-facto ҳокимият тепасига келгандан сўнг энг катта эътиборни

тинчлик ва барқарорлик масаласига қаратди. Миср ташаббусига кўра Араб давлатлари Лигаси томонидан “Мусулмон биродарлар”нинг диний радикал ташкилот сифатида тан олинishi, нафақат Миср расмий ҳукумати ва бошқа араб давлатларининг ҳам бу ташкилотга қарши курашига юридик замин яратди. Шунингдек, Абдул Фаттоҳ ас-Сисий радикал ҳаракатлар билан нафақат армия ва ҳарбий куч ёрдамида, балки маънавий-маърифий соҳада ҳам курашни йўлга қўйди.

Битирув малакавий ишида танланган мавзу юзасидан берилган хулосаларни умумлатириб, Миср сиёсий истиқболини белгилашда юзага келаётган қуйидаги муаммоларни келитириш мумкин:

Биринчидан, Миср сиёсий келажагида ички барқарорлик ва тинчликни таъминлаш масаласи тўғридан-тўғри иқтисодий тараққиёт ва мамлакат иқтисоди ривожланишига боғлиқ. Ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлиги юқори аҳоли ўрта қатлами шакллантирилиши МАРда кейинги ижтимоий-сиёсий ларзаларни олдини олишга ёрдам беришини инobatга олиб, МАРнинг 2011 йил кўзғалишларидан сўнг барқарор иқтисодини шакллантириш масаласи;

Иккинчидан, мамлакат ўтиш даврини бошдан кечираётган вақтда кучли марказлашган ҳокимият ва етук сиёсий раҳбар зарурлигини инobatга олиб, Миср сиёсий ҳокимияти тепасига ташқи ва ички сиёсатини МАР манфаатларидан келиб чиқиб шакллантирадиган сиёсий раҳбарият зарурлиги масаласи;

Учинчидан, мамлакат сиёсий ҳаётида сиёсий етук ва умуммамлакат даражасига чиқа оладиган сиёсий партия ва блокларни шакллантириш лозимлигини инobatга олиб, Миср жамияти ҳаётида сиёсий партиялар ва лоял сиёсий оппозиция соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масаласи;

Тўртинчидан, мамлакат ичкарасида дин омилини камайтириш мақсадида маънавий-маърифий йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш зарурлиги масаласи;

Бешинчидан, Миср жамиятининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмларини ғимоя қилиш мақсадида, ижтимоий ҳимоя институти турли диний ташкилотлар негизида эмас, тўғридан-тўғри давлат қарамоғига ўтказиш масаласи;

Олтинчидан, Миср ташқи сиёсатида минтақавий ёки халқаро кучли давлатлар сиёсий назоратига тушиб қолишни олдини олиш мақсадида, сиёсий элита томонидан кўп векторли ва давлат манфаатлари юзасидан сиёсат олиб бориш масаласи.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда Миср сиёсий истиқболи юзасидан қуйидаги башоратларни бериш мумкин:

1. 2014 йил май ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида Абдул Фаттоҳ ас-Сисий юқори кўрсаткичлар билан ҳокимият тепасига келади ва мамлакат яқин келажагида ҳарбийлар ва армиянинг роли жуда катта бўлади;
2. Мамлакатдаги асосий куч-ҳарбийлар “маърифатпарвар авторитаризм”ни шакллантиради ва турли соҳалардаги реформалар ҳарбийлар ислохотлари асосида амлага оширилади;
3. Мамлакат ичкарасидаги исломий ҳаракатлар ҳукмрон сиёсий ҳокимиятга қарши ўз қаршилиқ дастурини ишлаб чиқади. Ушбу қаршилиқ дастури ички ва ташқи ресурслардан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади: ички ресурслар деганда, мамлакат ичкарасида локал норозилик ўчоқлари уюштирилиши, ташқи ресурслар деганда эса ташқи кучлар ёрдамидан ўз сиёсий манфаатларига эришишда фойдаланишни тушуниш зарур.
4. Мамлакат ташқи сиёсати ҳам минтақавий ҳам халқаро жиҳатдан кўп векторли ва мураккаб сиёсатни камраб олади ва ички ва ташқи сиёсатида хавфсизликни сақлаш масаласи муҳим вазифа бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Раҳбарий адабиётлар. Ўзбекистон Республикаси президенти асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. –Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 376 б.
- 1.5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –528 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.7. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.9. Каримов И.А.. Тинчлик ва ҳафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.12 –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.10. Каримов И.А.. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –264 б.
- 1.11. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлиштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 320 б.

- 1.12. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 144.б.
- 1.14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326.б.
- 1.15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 1.16. Каримов И.А. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзланган нутқ. // «Халқ сўзи». 2010 йил 22 сентябрь.
- 1.17. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси даги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
- 1.18. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омили. Президент Ислом Каримовнинг ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

2. Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар

- 2.19 Текст Конституции АРЕ (одобрена на референдуме 11 сентября 1971 г.) // <http://constitutions.ru/archives/11>

- 2.20 Текст 4-Коммюнике Верховного совета Вооруженных сил АРЕ // <http://constitutions.ru/archives/6869>
- 2.21 Текст Конституционной декларации АРЕ от 30 марта 2011 г. // <http://constitutions.ru/archives/7779>
- 2.22 Текст Конституционной декларации Президента АРЕ М.Мурси от 22 ноября 2012 г. // <http://constitutions.ru/archives/8337>
- 2.23 Текст Конституции АРЕ (принята на референдуме 15 и 22 декабря 2012г., подписана Президентом АРЕ 26 декабря 2012г.) <http://constitutions.ru/archives/8747>
- 2.24 Текст Конституционной декларации АРЕ от 08 июля 2013г. // <http://constitutions.ru/archives/9233>
- 2.25 Текст Конституции АРЕ (одобрена на референдуме 14 и 15 января 2014г.) // <http://constitutions.ru/archives/9553>

3. Китоблар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва монографиялар

- 3.26 Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Далтон Р. Сравнительная политология сегодня: Мировой обзор: Учебное пособие / Сокр.пер. с англ. А.С. Богдановского, Л.А. Галкиной; под ред. М.В. Ильина, А.Ю. Мельвиля. М.: Аспект Пресс, 2002. - 546 с.
- 3.27 Ахмедов В. Роль армии в политических системах арабских государств Ближнего Востока. -М., Институт Изучения Ближнего Востока., 2009.- 214 с.
- 3.28 Бенетон Ф. Введение в политическую науку. -М., Весь мир, ИНФРА-М., 2002.- 368 с.
- 3.29 Гиясов Б., Хасанов Э. Дипломатия Египта. -Т., ТашГИВ., 2000.- 132 с.
- 3.30 Даль.Р О демократии. - М., Аспект Пресс., 2000.- 208 с.
- 3.31 Ёвкочев Ш.А. Исламский фактор в политической системе современного Египта. – Т.: Ташкентский исламский университет, 2008. – 252 с.

- 3.32 Игнатенко А.А. Ислам и политика: Сборник статей. М.: Институт религии и политики., 2004. - 256 с.
- 3.33 Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. - Т., Адолат, 2006. - 424 б.
- 3.34 Мухаев Р.Т. Политология: учебник для студентов юридических и гуманитарных факультетов.-М., Проспект., 2010. - 640 с.
- 3.35 Муҳамадсидиқов М.М. Замонавий халқаро муносабатларда Африка давлатлари: сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий жараёнлар. – Т.: Тошкент Ислон университети., 2013.-268 б.
- 3.36 Муҳамадсидиқов М.М. Хорижий шарқ ва ғарб мамлакатларида иқтисодий-сиёсий жараёнлар тарихи: Ўқув қўлланма., - Т.: ТошДШИ., 2011.- 172 б.
- 3.37 Муҳамадсидиқов М.М. Замонавий халқаро муносабатларида минтақавий жиҳатлар., ТошДШИ., 2013.-172 б.
- 3.38 Муҳамадсидиқов М.М. Қиёсий сиёсий тизимлар: Ўқув қўлланма 1, 2 қисмлар. - Т.: ТошДШИ, 2013.-180 б.
- 3.39 Пантин В.И. Политическое самоопределение России в современном мире:основные факторы, тенденции, перспективы. М.: Аспект пресс, - 2011.- 245 с.
- 3.40 Политология: Энциклопедический словарь / отв.ред. и сост. Ю.И.Аверьянов.- М., Изд-во Моск. Коммерч. Ун-та., 1993. - 431 с.
- 3.41 Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Под ред Курягина С. - М.: МОФ ЭТЦ.-2011. - 288 с.
- 3.42 Ражбадинов М. 3. Умеренный исламизм в Египте (на примере деятельности организации «Братья-мусульмане»). — М., Институт Востоковедения. Второе издание., 2006, - 431с.
- 3.43 Сапронова М.А. Государственный строй и конституции арабских республик. М., Муравей., 2003. - 328 с.
- 3.44 Сатановский Е. Россия и Ближний Восток: Котел с неприятностями.

- М., Эксмо., 2012. - 384 с.
- 3.45 Теория государства и права. Учебник/ под ред. И.А.Королева, Л.С.Явича.-Л., Изд-во Ленинградского ун-та., 1997. - С.479.
- 3.46 Теория государства и права. Учебное пособие для вузов/ под ред. И.А.Косарева.-М., Право., 2000.- 207 с.
- 3.47 Теория государства и права. Учебник для вузов/ под ред. М.М.Рассолова, В.О.Лучина, Б.С.Эбзеева. - М., Юристь., 2000.- 389 с.
- 3.48 Теория государства и права: Учебник/под ред. В.К.Бабаева.-М., Норма., 2003.-591 с.
- 3.49 Теория государства и права. Курс лекций/ под ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько.-М., Юристь., 2004.- 512 с.
- 3.50 Труевцев К.М. Год-2011 новая демократическая волна?-М.: «Высшая школа экономики», 2011.- 231 с.
- 3.51 Юридический энциклопедический словарь/ под ред. О.Е.Кутафина.-М., Большая Российская Энциклопедия., 2001.- 800 с.
- 3.52 Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века / Пер. с англ. — М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2003. - 368 с.
- 3.53 Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся общностях. М.: Прогресс-Традиция, 2004 - 480 с.
- 3.54 Ҳолмўминов Н.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ўқув қўлланма.-Т., Адолат., -1996.- 187 б.
- 3.55 Цыганков А.П. Современные политические режимы: структура, типология, динамика. Учеб. Пособие для вузов.-М., Интерпракс, - 1995. - 294 с.
- 3.56 Черданцев А.Ф. Теория государства и права: Учебник для вузов. М., - Юрайт., 2000.- 422 с.

4. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

- 4.54 Багдади А.М. Проблемы исламского фундаментализма в Египте: Автореф. дис...канд. полит. наук. Москва. 1998. 30 с.
- 4.55 Егоренков Д.А. Трансформация политических режимов В России и Бразилии в контексте “третьей волны демократизации”:сравнительный анализ: Автореф. дис...канд. полит. наук. Саратов. 2008. 26 с.
- 4.56 Осман А.А. Влияние исламских политических партий и движений на демократический процесс в арабских странах Африки: Автореф. дис...канд. полит. наук. Санкт-Петербург. 2002. 21 с.
- 4.57 Першина Е.В. Внешний фактор трансформации тоталитарных режимов:на примере стран Восточной Европы: Автореф. дис...канд. полит. наук. Екатеринбург. 2007. 23 с.
- 4.58 Сейранян Г.А. Развитие партийно-политической системы Египта во второй половине XX века: Автореф. дис...канд. истор. наук. Москва. 2002. 28 с.
- 4.59 Тирских М.Г. Трансформация политических режимов: Государственно-правовые аспекты: Автореф. дис...канд. юр. наук. Челябинск. 2005. 28 с.

5. Газета ва журнал мақолалари ва даврий нашрлар

- 5.60 Ежегодник СИПРИ – 2012: вооружения, разоружение и международная безопасность: Пер. с англ. – М.: ИМЭМО РАН, 2013, 770 с.
- 5.61 Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие.М.:2013.-1467-1477 с.
- 5.62 Исаев Л.М. Демократическая зима в Северной Африке. // Неприкосновенный запас.-2011.-№3.42-45 с.

- 5.63 Мельвиль А.Ю. Опыт теоретико-методологического синтеза структурного и процедурного подходов к демократическим транзитам // Полис.-1998.-№2.-19-23 с.
- 5.64 Попов Э.А. Институционализация Российской демократии //Социс.-2001.-№5.- 20-23 с.
- 5.65 Политическая наука: Науч. журн. / РАН. ИНИОН. Центр социал. науч.-информ. исслед. Отдел полит. науки; Росс. ассоц. полит. науки; Ред. Кол.: Мелешкина Е.Ю., гл. ред., и др –М., 2012- №3. 162-165 с.
- 5.66 Политические режимы в XXI веке: Институциональная устойчивость и трансформации / Ред.-сост. номера Панов П.В., Харитонов О.Г., - 336 с.
- 5.67 Побережников И.В. Модернизация: теоретико-методологические подходы // Экономическая история. Обозрения.-Вып.8.-М.,2002.-С.147-151 с.
- 5.68 Харитонов О.Г. Генезис демократии (Попытка реконструкции логики транзитологических моделей) // Полис.-2006.-№5.- 70-73 с.
- 5.69 Цырель С.В. Революции, волны революций и Арабская весна. // Системный мониторинг глобальных и региональных рисков: Арабская весна 2011 г./ Ред. А.В.Коротаев, Ю.В.Зинькина, А.С.Ходунов. М.: ЛКИ.-2012.- 128-161с.
- 5.70 Шмачкова Т.В. Из основ политологии Запада // Полис. - 2001. - №2. – 137-140 с.
- 5.71 Шумков Д.М. Форма государства//Основы государства и права.-№1., 2000.-69-72 с.
- 5.72 Яшин И.Г. «Братья-мусульмане» как оппозиционная сила в Египте после парламентских выборов 2005 г. // Египет, Ближний Восток и глобальный мир. М., 2006, 29.
- 5.73 Brzezinski Z. The Great Transformation / Z. Brzezinski // The National Interest. 1993. -№ 33. - P. 2-11.

- 5.74 Gel'man V. Out of the Frying Pan, Into the Fire? Post-Soviet Regime Changes in Comparative Perspective // International Political Science Review. 2008. Vol.29. №2. P. 157-180.


6. Интернет ахборот-таҳлилий материаллари

- 6.74. Агаджанян М. Предвыборный Египет: фактор Москвы против подмоченного лидерства США в ближневосточной игре // [Электронный ресурс]-
<http://www.regnum.ru/news/polit/1798655.html#ixzz31sCdjTVm> - (дата обращения: 05.05.2014)
- 6.75. Варбанец П. Арабская весна и перспективы демократизации Ближнего Востока // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL:
<http://news.middleeast.org.ua/content/view/79/1> - (дата обращения: 12.01.2014)
- 6.76. Волович А.А. О планах демократизации Ближнего Востока // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL:
<http://www.iimes.ru/rus/stat/2004/19-08-04.htm> (дата обращения: 30.04.2014)
- 6.77. Долгов Б.В. Арабская весна: итоги и перспективы // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL:
http://www.perspektivy.info/book/arabskaja_vesna_itogi_i_perspektivy_2012-04-19.htm - (дата обращения: 25.03.2014)
- 6.78. Демченко А. Египет на пути к трансформации политической системы // [Электронный ресурс] http://www.perspektivy.info/oykumena/vostok/jegipet_na_puti_k_transformacii_politicheskoy_sistemy_2013-01-29.htm - (дата обращения: 15.03.2014)
- 6.79. Комлева Н.А. Арабская весна: геополитический аспект // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL:


- http://www.philos.lv/Citu_raksti/Arabskaja.html - (дата обращения: 14.03.2014)
- 6.80. Мюрид Эль. Ключ к востоку: термидорианский переворот в Египте // [Электронный ресурс]- <http://itar-tass.com/opinions/1936> - (дата обращения: 05.05.2014)
- 6.81. Сатановский Е. Египетская рулетка // [Электронный ресурс]- <http://expert.ru/expert/2012/25/egipetskaya-ruletka/> - (дата обращения: 05.05.2014)
- 6.82. Сапронова М. Конфликты в Египте и Сирии: сходства и различия - мнения экспертов // [Электронный ресурс]- <http://www.vestikavkaza.ru/news/Konflikty-v-Egipte-i-Sirii-skhodstva-i-razlichiya-mneniya-ekspertov.html> - (дата обращения: 05.05.2014)

ИЛОВАЛАР


Илова 1. МАР иқтисодий кўрсаткичлари




Диаг.1 1980-2010 йилларда МАР ЯИМ ишлаб чиқариш динамикаси (СПҚ бўйича млрд АҚШ долл-да).



Диаг.2 1980-2010 йилларда МАР аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМ ишлаб чиқариш динамикаси (СПҚ бўйича млрд АҚШ долл-да).



Диаг.3 1990-2010 йилларда МАРда ишсизлик даражаси (% ларда).



Барчарт.1 Баъзи мамлакатларда 2000-2010 йилларда иқтисодий нотенглик кўрсаткичлари (% ларда).

Манба: <http://voprosik.net/polnyj-analiz-egipetskoj-revolyucii>

Илова 2. Ўзбекистонлик таниқли диншунос олим, Тошкент Ислон

**Университети Тарих кафедраси профессори, тарих фанлари доктори
Аҳаджон Ҳасановдан М.Абдуллаеванинг 5120700 – Жаҳон сиёсати
таълим йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун
тайёрлаган «Ҳ.Муборак режими қулагандан сўнг МАР сиёсий
истикболини белгилаш муаммолари» мавзуси бўйича олинган интервью
СТЕНОГРАММАСИ**

М.А: Бугунги кунда МАРда кечаётган жараёнларга дунё ҳамжамияти
эътиборининг катталигини нима билан изоҳлаш мумкин?

А.Ҳ: МАР араб дунёсининг юраги ҳисобланади. Мамлакат географик,
геосиёсий, сиёсий, ҳарбий, демографик жиҳатдан минтақада алоҳида
ўринга эга. Замонавий Миср тарихига мурожат қиладиган бўлсак, Миср
ички ва ташқи сиёсатида ўзининг мустаҳкам позициясига эга
минтақанинг энг етук давлатларидан бири бўлиб келган.

М.А: МАРда дин омилини қандай баҳолайсиз?

А.Ҳ: Биз, Миср мисолида жамият ҳаётида диннинг юксак ўрни ва унинг
сиёсат билан чамбарчас боғлиқлигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек,
Мисрда неча асрлардан бери мусулмонлар ва христиан қиптийлар бир
муҳитда яшаб келаётганини кўриш мумкин. Шунини айтиш мумкинки,
сиёсий омил сусайса жамиятда дин омили кучаяди. Қачонки жамиятда
етук сиёсий партиялар, институтлар шакллansa шундагина дин омили
иккинчи даражали бўлиб қолади. Миср жамиятидаги диний омил
кучайишини юқоридаги фикр билан изоҳлаш мумкин.

М.А: Замонавий Миср сиёсий тарихида ҳокимият тепасида доимо
ҳарбий раҳбарлар бўлган. Президентлар Ж.Абдул Носир, А.Саадат,
Ҳ.Муборак мамлакатда сиёсат ва дин муносабатларини тартибга
солиш юзасидан қандай ишларни амалга оширишган?

А.Х: Ҳақиқатан ҳам охирги ярим аср давомида Миср ҳокимияти тепасида доимо ҳарбий раҳбарлар турган. Лекин, уларнинг ҳар бирини бир хил баҳолаш нотўғри бўлади. Масалан, Ж.Абдул Носир ўз даврининг демократик қарашларга эга бўлган кишиси сифатида маълум. Ўзининг президентлик йилларида у диний партиялар фаолиятини қонунан таъқиқлаган. Лекин, мамлакат ичкарасида тобора илдиз отиб кетаётган “Мусулмон биродарлар” ташкилотини ҳаракат деб тан олган. Кейинги президент А.Саадат ҳокимият тепасида бўлган даврда Ж.Абдул Носирга нисбатан юмшоқроқ сиёсат олиб бориб, диний ва сиёсий гуруҳлар ўртасида балансни сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Ҳ.Муборак Ж.Абдул Носир сиёсий анъаналарини давом эттириб, диний уюшмаларга қарши қаттиққўллик билан сиёсат олиб борган. Лекин, Миср жамиятининг ўзига хос хусусияти шунда намоён бўлдики, давлат ҳокимияти тепасида турган президентларнинг дин сиёсийлашувига қарши курашишига қарамасдан, кенг халқ оммаси ичида уларнинг тарафдорлари ортиб борди, Мисрда ўзига хос “халқ исломи” шаклланди.

М.А: Замонавий Миср сиёсий партиялари ҳақида қандай фикр билдириш мумкин?

А.Х: Мисрда бугунги кунда сиёсий партиялар сони жудаям кўпчилиқни ташкил этади. Лекин, уларнинг салмоғи-салоҳияти ҳақида ижобий фикр бериш қийин. Замонавий сиёсий партиялар ичидан умуммамлакат доирасида ягона сиёсий етук партияни кўрсатиш мушқил. Партиялар сони кўп, лекин сиёсий етуклик даражаси унчалик юқори эмас.

М.А: Мисрда доимо ҳарбийлар катта куч бўлганини айтиб ўтдик. Миср сиёсатида армия ва ҳарбийлар қандай роль ўйнайди?

А.Х: Миср армияси мамлакатдаги энг уюшган, мобил ва маърифат даражаси балан куч бўлган. Масалан, Лотин Америкаси мамлакатлари учун

ҳарбийларнинг ҳокимият тепасида бўлиши реакцион ҳарактер касб этган бўлса, Яқин Шарқ минтақаси, хусусан, Миср учун бу ижобий роль уйнаган.

М.А: 2014 йил 25 майга белгиланган президентлик сайловлари натижасида ҳокимиятнинг яна ҳарбийлар қўлига ўтиши Миср яқин келажаги учун қандай аҳамиятга эга?

А.Ҳ: Мен май ойида Мисрда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида ҳарбийлардан бўлган номзод Абдул Фаттоҳ ас-Сисийнинг ҳокимият тепасига келиш имкониятини юқори баҳолайман. Ҳарбийлар Миср ички сиёсатида барқарорликни таъминлаши билан фарқланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ас-Сисий ҳокимиятга келганидан сўнг мамлакат ичида тинчликни таъминлаш масаласини биринчи ўринга қўяди. Унинг Миср ташқи сиёсатини ҳеч қайси тарафга оғишмай, барча минтақавий ва халқаро акторлар билан кенг доирада ҳамкорлик қилишга асосланиши ҳақида башорат қилиш мумкин.

М.А: Майдаги президентлик сайловларидан сўнг “Мусулмон биродарлар” ташкилоти қандай норозилик чораларини кўриши мумкин? Улар йўқотган ҳокимиятни қайтариб олишлари мумкинми?

А.Ҳ: Албатта, “Мусулмон биродарлар” сайлов натижаларидан норози бўлиши аниқ. Улар мамлакатнинг турли қисмларида локал норозиликлар ўчоқларини вужудга келитиришга уриниши мумкин. Лекин, бу норозиликлар фуқаролик уруши ёки умуммамлакат доирасидаги курашга айланиши қийин, чунки мамлакатда ҳарбийлар осойишталикни таъминловчи асосий ҳокимият тепасидаги куч бўлиб қолади. Қолаверса, улар ислом экстремизимига қарши кураш учун қонуний асос яратдилар.

М.А: Баъзи олимларнинг фикрича, мамлакатда “Мусулмон биродарлар”дан ҳам радикалроқ куч-салафийлар мавжуд. Сиз бу фикрга қандай муносабатдасиз?

А.Ҳ: Фикримча, бугунги кунда Мисрдаги энг катта кескин куч салафийлар эмас, “Мусулмон биродарлар”дир. Миср амалдаги ҳокимияти (ҳарбийлар) бу радикал ташкилот билан фақат қурол ёки ҳарбий кучни ишлатиб эмас, диний-мафкуравий ва маънавий кураш зарурлигини тушуниб етди. Миср давлати ушбу муаммони ечиш учун Ўзбекистон Республикаси қўллаган амалиёт йўлини танлади. Яъни, Ўзбекистон Республикасида диний радикализм, фундаментализм ва терроризмга қарши давлат сиёсатининг маънавий-маърифий асослари яратилган ва бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида юқорида айтилган иллатлар билан энг аввало, маънавият ва маърифат орқали курашиш йўлини танлаган. Шунингдек, Миср Ташқи ишлар вазири Н.Фаҳмийнинг Араб давлатлари Лигасидаги ташаббусига кўра, “Мусулмон биродарлар”нинг радикал ҳаракат сифатида тан олинishi бу ташкилот билан нафақат Миср доирасида, балки Араб Давлатлари Лигасига аъзо давлатлар доирасида ҳам қарши курашнинг ҳуқуқий механизмлари яратилганини билдиради.

М.А: Миср сиёсий истиқболини белгилашда асосий омиллар сифатида нималарни келтиришингиз мумкин?

А.Ҳ: Мисрдаги сиёсий вазият кўп тарафдан иқтисодий омилга боғлиқ. Аҳолининг ижтимоий-сиёсий аҳволини яхшилаш яқин келажақдаги муҳим йўналишлардан бири бўлмоғи лозим. Миср иқтисодиётини тиклаш натижасида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва барқарор ижтимоий муҳитни шакллантириш мумкин. Кейинги асосий омил бу-мамлакат хавфсизлиги масаласидир. Бугунги кунда Мисрда жамият ҳаётини демократлаштиришдан-да кўра устувор масала бу

хавфсизлик ва тинчлик масаласидир. Фикримча, Миср яқин келажаги учун энг аввало, хавфсизликни таъминлашни асосий вазифа қилиб олади. Ва албатта, яна бир муҳим омил бу – ўзликни англаш масаласидир. Миср турли динлар, миллатлар ва маданиятлар қоришмасини ўзида ифодалаган, Осиё, Африка ва Европа кесишган ҳудудда жойлашган ва ўзига хос менталитетига эга бўлган мамлакатдир. Миср халқи менталитетида тинчликпарварлик, толерантлик, дўстона муносабат устунлик қилади. Мисрликлар ўзларини миллий негизига кўра, мамлакатга тегишлилигига кўра, яъни “мен мисрликман” деб айтадилар. Айнан шу ўзликни англаш жараёни Миср сиёсий истиқболини белгилашда мамлакат яҳлитлиги ва бирдамлигини таъминлайди.

А.Ҳасанов _____

М.Абдуллаева _____